

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

1-2-сон
(1073-1074)
2023 йил
январь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

1. «Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда соҳанинг экспорт салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 январдаги ПФ–2-сон Фармони

Учинчи бўлим

2. «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг бюджетдан ташқари жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 7 январдаги 6-сон қарори
3. «Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъ-

сир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори

4. «Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш тизимини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 январдаги 16-сон қарори

Бешинчи бўлим

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 27 декабрдаги 70-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 11 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3124-5*)
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 6 декабрдаги 28/3-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 11 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3411*)
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 6 декабрдаги 28/2-сон «Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 11 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3412*)
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг 2022 йил 6 декабрдаги 3-2022-сон «Давлат фуқаролик хизматчиси билан тузиладиган меҳнат шартномасига доир намунавий талабларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 13 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3413*)
9. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2022 йил 26 декабрдаги 238-мх-сон «Ўзбекистон Республикасининг почта индексларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 13 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3414*)
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 30 декабрдаги 30/24-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат-

ларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 13 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3415*)

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2023 йил 12 январдаги 1-сон ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2023 йил 7 январдаги 1-сон «Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 13 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2020-5*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

1 Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда соҳанинг экспорт салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантириш, соҳа корхоналарининг инвестиция ва экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида республикада ишлаб чиқарилаётган пахта толаси тўлиқ ва ип калаванинг 45 фоизи қайта ишланмоқда, шунингдек, соҳанинг йиллик экспорт салоҳияти 3,2 миллиард доллардан ошди.

Шу билан бирга, жаҳон бозорларида рақобатнинг кучайиши, хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан аралаш турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига харажатларнинг камайтирилиши ушбу соҳани ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни тақозо этмоқда.

Кейинги беш йилда пахта толасини чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2,1 бараварга ва экспорт кўрсаткичини 2,6 бараварга оширишни таъминлаш ҳамда гилам ва уй тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида:

1. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини давлат томонидан кенг миқёсда қўллаб-қувватлаш орқали 2023 йил якуни билан соҳанинг экспорт салоҳиятини 5 миллиард АҚШ долларига етказиш, тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини 65 фоиздан 81 фоизга ошириш, 35 мингта бўш иш ўринларини тўлдириш, жумладан ижтимоий дафтарларга кирган аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатидаги мавжуд имкониятлар ва янги захираларни сафарбар этиш мақсадида:

а) Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан:

газлама, трикотаж мато ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорт қилувчи корхоналарни узлуксиз, жумладан револьвер кредитлаш асосида айланма маблағ билан таъминлаш учун Экспортни рағбатлантириш агентлиги ҳузуридаги Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига, унинг буюртмасига

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 13 январда эълон қилинган.

асосан 200 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар 3 йил муддатга йиллик 4 фоиз ставкада ажратилади;

тижорат банкларида, уларнинг буюртмасига асосан 100 миллион АҚШ доллари миқдорида, 10 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 4 фоиз ставкада ва қолган давр учун йиллик 5 фоиз ставкада қўйидаги мезонлар бўйича газлама, гиламчилик, бўяш-пардозлаш, тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаларига кредит линиялари очилади:

маҳсулот умумий ҳажмининг 50 фоизи миқдорида экспортни таъминлаш бўйича мажбуриятларни қабул қилиш;

ўз маблағлари, шу жумладан бино-иншоотлар, айланма маблағ иштирокини камида 30 фоиз қилиб белгилаш;

кредит мажбуриятлари бўйича муддати ўтган қарздорликлар мавжуд эмаслиги.

Бунда:

экспорт мажбурияти корхона томонидан бажарилмаган тақдирда, кредит бўйича имтиёзли даврда ҳисобланган фоиз ставкалари йиллик 5 фоиз ставкада қайта ҳисобланади;

тижорат банклари томонидан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ресурслари ҳисобидан ажратиладиган кредитлар бўйича белгиланган йиллик фоиз ставкаси таркибида банк маржаси 1 фоиздан ошмаган миқдорда ўрнатилади;

ажратилган маблағларни ўзлаштириш якунларидан келиб чиқиб, Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси ҳулосаси асосида Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 2024 йилда қўшимча 100 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилади;

б) тижорат банклари томонидан тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарини револьвер кредитлаш орқали айланма маблағ билан таъминлашга 1 триллион сўм миқдорида 24 ойга, жумладан 6 ойлик имтиёзли давр билан 2 фоиздан ошмаган банк маржасини қўллаган ҳолда кредитлар ажратилади;

в) тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарига электр энергияси истеъмоли учун бир ойлик олдиндан тўлов талаби бекор қилинади;

г) Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарига молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида юритишни жорий қилиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ 25 минг доллардан кўп бўлмаган миқдори қоплаб берилади. Бунда, ушбу харажатлар корхона томонидан халқаро молия институтлари ва хорижий тижорат банкларининг қарз маблағлари ўрнатилган тартибда жалб қилинганидан кейин қоплаб берилади;

д) Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан экспорт олди ва экспорт билан боғлиқ савдо операцияларини молиялаштириш учун охириги 12 ой мобайнида амалга оширилган экспорт ҳажмидан келиб чиққан ҳолда 3 йил муддатгача қўйидаги миқдорларда молиявий ресурслар ажратилади:

экспорт ҳажми 5 миллион долларгача бўлганда — 1 миллион долларгача;

экспорт ҳажми 5 миллион доллардан 10 миллион долларгача бўлганда — 2 миллион долларгача;

экспорт ҳажми 10 миллион доллардан 15 миллион долларгача бўлганда — 3 миллион долларгача;

экспорт ҳажми 15 миллион доллардан 20 миллион долларгача бўлганда — 4 миллион долларгача;

экспорт ҳажми 20 миллион доллардан ортиқ бўлганда — 5 миллион долларгача;

е) ташқи бозорларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларини сотишга мўлжалланган йирик савдо омборларини ижарага олиш харажатлари Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси бир ой муддатда йирик савдо омборларини ижарага олиш харажатларини қоплаш тартибини тасдиқласин.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Экспортни рағбатлантириш агентлиги буюртмасига асосан ушбу Фармоннинг 2-банди «г» ва «е» кичик бандларидаги харажатларни қоплаш учун республика бюджетидан қўшимча 100 миллиард сўм маблағ ажратилишини таъминласин ҳамда келгуси йилларда бюджет параметрларини шакллантиришда ушбу харажатларни назарда тутсин;

бир ой муддатда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда фермер хўжаликларига 2022 йил ҳосили учун ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширмаганлик учун пеня қўлламаслик юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги тижорат банклари билан биргаликда соҳа корхоналарини айланма маблағ билан таъминлаш учун 2023 йил 1 апрелга қадар 2 йил муддатга 500 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий молиявий ташкилотлар маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

5. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг:

пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан пахта толаси таъминоти асосида босқичма-босқич 700 миллион АҚШ доллари миқдорида муқобил молиялаштириш манбалари ҳамда хорижий молия ташкилотлари маблағларини жалб қилиш;

олти ой муддатда маҳаллий корхоналар маҳсулотига халқаро сертификатларни тақдим этувчи камида учта йирик хорижий компанияларнинг ваколатхонасини ташкил қилиш;

таниқли брендлар вакилларининг республикада ҳар йили ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиши билан боғлиқ харажатларни Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш;

икки ой муддатда тажриба тариқасида Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Европа давлатларида «Ўзтўқимачиликсаноат»

ноат» уюшмасининг савдо уйи (ваколатхона)ни ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

6. Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналари томонидан хорижда савдо уйи ва дўконини ташкил этиш учун алоҳида қарорларсиз йилига 100 минг АҚШ долларигача маблағни чет элга ўтказишга рухсат берилсин.

7. Йил якунига қадар Андижон, Наманган ва Қашқадарё вилоятларида тўқимачиликка ихтисослашган кичик саноат зоналари ҳамда Тошкент вилоятида тўқимачилик ва чарм саноати маҳсулотларини чуқур қайта ишлашга ихтисослашган индустриал технопарк 1-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

Андижон, Наманган, Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари, Энергетика вазирлиги, «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Худудгазтаъминот» АЖ, «Ўзсувтаъминот» АЖ мазкур Фармонга 1-иловада назарда тутилган кичик саноат зоналарида электр энергияси, табиий газ, оқова сув тармоқлари, марказлашган сув тозалаш иншоотлари ва бошқа инфратузилмалар барпо этилишини таъминласин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Тошкент вилоятида тўқимачилик ва чарм саноати маҳсулотларини чуқур қайта ишлашга ихтисослашган индустриал технопарк ташкил қилиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

Савдо-саноат палатаси, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ва Тошкент вилояти ҳокимлигига индустриал технопарк фаолиятини самарали йўлга қўйиш вазифаси юклансин.

8. Давлат активларини бошқариш агентлиги «Ўзпахтасаноат» АЖни тугатиш лойиҳа офиси ва «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда «Ўзпахтасаноат» АЖ балансидаги бўш турган пахта терминаллари негизида тўқимачиликка ихтисослаштирилган кичик саноат зоналарини ташкил этиш ҳамда импортдан келтириладиган хомашё омборлари сифатида ишлатиш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг ижтимоий дафтарларга кирган аҳолига берилаётган имтиёзларни 3 ой муддатга сақлаб қолиш шарти билан уларни соҳа корхоналарига ишга жойлаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

10. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси билан биргаликда:

2023 йил 1 апрелга қадар талаб юқори бўлган профессионал касблар (тикувчи, бичувчи, йигирувчи, механик) йўналишида дуал таълим тизимида мутахассислар тайёрлаш ва хорижий (Германия, Туркия) таълим дастурларини жорий қилиш бўйича пилот лойиҳаларни Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Наманган вилоятларида амалга оширсин;

2023 йил 1 августга қадар Туркиянинг нуфузли тўқимачилик институти билан ҳамкорликда Андижон вилоятида замонавий инновацион технологиялар институтини ташкил этиш ва хорижий таълим дастурларини жорий этиш юзасидан тегишли қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2023/2024 ўқув йилидан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат инсти-

тутида Туркия, Германия ва бошқа давлатларнинг олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда тўқимачилик саноатида талаб юқори бўлган мутахассисларни (муҳандис, технолог, дизайнер, маркетолог) тайёрлаш бўйича қўшма таълим дастурларини ишлаб чиқиб, жорий этсин.

11. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар бериш, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун маблағларни жалб қилиш;

2023 йил ҳосилидан бошлаб, пахта хомашёсига ҳисобланадиган қўшилган қиймат солиғи тўловининг фермер хўжаликлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари учун мақбул ва шаффоф механизмини жорий қилиш юзасидан аниқ ҳисоб-китоблар асосида қўшимча таклифлар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л.Ш. Кудратов белгилансин.

15. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 10 январь,
ПФ–2-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 10 январдаги
ПФ-2-сон Фармонига
1-ИЛОВА

**Андижон, Наманган ва Қашқадарё вилоятларида тўқимачиликка ихтисослашган
кичик саноат зоналари ҳамда Тошкент вилоятида тўқимачилик ва чарм саноати
маҳсулотларини чуқур қайта ишлашга ихтисослашган индустриал технопарк
ХУДУДЛАРИ**

Т/р	Худуд номи	Туман номи	Маҳалла номи	Контур	Ер майдони (га)
1.	Андижон вилояти	Пахтаобод тумани	Дўстлик массиви «Хаётбахш» МФЙ	266, 267, 268, 269, 270, 271, 272, 273, 274, 275, 276, 277, 278, 279, 280, 282, 283, 285, 286	55
2.	Қашқадарё вилояти	Косон тумани	«Дўстлик» МФЙ «Гулбоғ» МФЙ	61, 62, 63, 64, 65, 66, 138, 140 13009қ 2011, 2013қ	27,4 2,6
3.	Наманган вилояти	Чоргок тумани	«Обод диёр» МФЙ	1167, 1168, 1169, 1170, 1173, 1174, 1175, 1176, 1177, 1178, 1179, 1180, 1181, 1183, 1201, 1202, 1208, 1209, 1210, 1211, 1212, 1213, 1214, 1215, 1216, 1217, 1218, 1219, 1220, 1221, 1222, 1223, 1225, 1226, 1230, 1231, 1232, 1234, 1235, 1272	106
4.	Тошкент вилояти	Юқори Чирчиқ тумани	«Курсой» ва «Нурли замин» МФЙ	4185, 4186, 4187, 4188, 4189, 4190, 4191-қ, 4023 ққ	69

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 10 январдаги
ПФ–2-сон Фармониغا
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва
Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4453-сон қарорининг 2-бандида:

«б» кичик банддаги «2023 йил» сўзлари «2024 йил» сўзлари билан алмаштирилсин;

«в» кичик банддаги «5 фоизи» сўзлари «10 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5989-сон Фармонининг 8-бандида:

«а» кичик банднинг биринчи хатбошисидан «Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 300 млн АҚШ доллари миқдоридagi кредит линиялари маблағлари,» сўзлари чиқариб ташлансин;

«б» кичик банддаги «2023 йил» сўзлари «2024 йил» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 ноябрдаги «Пахта хом ашёсини етиштириш ва унинг йиғим-терим харажатларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2-сон қарори 1-банди «б» кичик бандининг тўртинчи хатбошиси «шу жумладан 3 ойлик имтиёзли давр билан» сўзларидан кейин «(2022 йил пахта ҳосили учун 9 ойлик имтиёзли давр билан)» сўзлари билан тўлдирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг экспортини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–53-сон Фармонининг 3-бандида:

биринчи хатбошидаги «1 февралдан» сўзлари «1 мартдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

«а» кичик банддаги «25 фоизи» сўзлари «20 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 сентябрдаги «Тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–228-сон Фармони 1-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бир экспорт шартномаси доирасида келиб тушмаган валюта суммаси

экспортга юкланган жами маҳсулот нархининг 5 фоизидан ошмаган тақдирда муддати ўтган дебитор қарздорлик ҳисобланмайди ва тадбиркорлик субъектига нисбатан жарима қўлланилмайди. Ушбу норма 2022 йил 1 ноябрга қадар бўлган ҳолатларга ҳам татбиқ этилади».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги «Тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-268-сон Фармони 1-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«2024 йил 1 январга қадар Европа, Туркия, Марокаш, Шимолий ва Жанубий Америка, Араб, Корея ва Япония давлатларига газлама, трикотаж мато ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини экспорт қилишда ташиш харажатларининг 70 фоизини компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилади».

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сон қарори билан тасдиқланган Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 25-банди қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Экспорт шартномалари бўйича тўловлар учинчи шахслар, яъни экспорт шартномаси бўйича инвойс (ҳисоб-фактура) асосида етказиб берувчининг пуллик ҳуқуқларини бериш асосида дебиторлик қарзларини сотиб олган ёки етказиб берувчига экспортолди молиялаштиришни амалга оширган молия агентлари (инвесторлар) томонидан амалга оширилган бўлса, учинчи шахс-инвесторлар томонидан кўрсатилган молиявий хизмат учун ушлаб қолинадиган мукофотлаш ҳақи миқдори тегишли экспорт контрактлари бўйича дебиторлик қарзи ҳисобланмайди. Бундай ҳолларда тегишли экспорт контрактларидан тушадиган валюта миқдори учинчи шахс-инвесторларнинг мукофотлаш ҳақи миқдорида камайтиради ва етказиб берувчилар балансининг харажатлар қисмида ҳисобга олинади.

Бунда мавжуд экспорт контракти бўйича дебиторлик қарздорлигини сотиб олиш тўғрисидаги шартнома Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими (ТСОЯЭАТ)да рўйхат олинмайди».

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 826-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан экспорт қилувчи ташкилотларга молиявий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 18-банди тўққизинчи хатбошиси «100 квадрат метргача» сўзларидан кейин «(омборхоналар учун 500 квадрат метргача)» сўзлари билан тўлдирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги 145-сон қарори билан тасдиқланган «Аёллар дафтари»ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 44-банди қуйидаги мазмундаги ўн иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

««Аёллар дафтари» га киритилган хотин-қизлар «Ўзтўқимачиликсаноат»

уюшмаси тармоқларида ишга жойлашган тақдирда, мазкур хатбошида назарда тутилаётган хотин-қизлар юқоридаги дафтардан чиқарилмайди ва улар учун қонунчиликда белгиланган барча имтиёз ва преференциялар уч ой муддатга сақлаб қолинади. Бунда, имтиёз ва преференцияларнинг уч ойлик амал қилиш муддати хотин-қизлар ишга кирган кундан бошлаб ҳисобланади».

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

2 Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг бюджетдан ташқари жамғармасини ташкил этиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари билан самарали мулоқот тизимини жорий этиш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 27 июлдаги ПФ-178-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари билан самарали мулоқот тизимини жорий этиш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 27 июлдаги ПФ-178-сон Фармонининг 11-бандига мувофиқ Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг бюджетдан ташқари жамғармасини ташкил қилиш, унинг маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартибини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг бюджетдан ташқари жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимларини моддий рағбатлантириш, ўқув курсларида ўқитиш, шунингдек, девон фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантиришга йўналтирилган бошқа тадбирларни молиялаштириш мақсадида ташкил этилади.

3. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва унинг девони ходимлари томонидан қўлланилган жарималар суммаси ҳамда расмийлаштирилган маъмурий

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 9 январда эълон қилинган.

хуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар асосида судлар томонидан қўлланган жарима суммасининг 100 фоиз миқдори;

техник қўмаклашиш маблағлари, халқаро ташкилотлар, хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларнинг грантлари;

жисмоний ва юридик шахслар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси но-резидентларининг ҳомийлик хайриялари (меценатлик қўмаги);

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Қўйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг бюджетдан ташқари жамғармаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Жамғарманинг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш йўналишлари;

Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари сметасини тузиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тартиби;

Жамғармани бошқариш кенгашини ташкил этиш, кенгаш таркиби ва унинг вазифалари, кенгаш мажлисларини ўтказиш тартиби;

Жамғарма маблағларидан фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш, унинг даромад ва харажатлар сметаси ижросини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 7 январь,
6-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 7 январдаги 6-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний
манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг
бюджетдан ташқари жамғармаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг бюджетдан ташқари жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг (кейинги ўринларда — Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони) моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимларини моддий рағбатлантириш, ўқув курсларида ўқитиш, шунингдек, девон фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантиришга йўналтирилган бошқа тадбирларни молиялаштириш мақсадида ташкил этилади.

3. Жамғарма маблағларининг шакллантирилиши ва сарфланишининг ҳисоби миллий ва чет эл валютасида амалга оширилади.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш тартиби

4. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади: Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва унинг девони ходимлари томонидан қўлланилган жарималар суммаси ҳамда расмийлаштирилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар асосида судлар томонидан қўлланилган жарималар суммасининг 100 фоиз миқдори;

техник кўмаклашиш маблағлари, халқаро ташкилотлар, хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларининг грантлари;

жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик хайриялари (меценатлик кўмаги);

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Жамғармага тушадиган маблағлар Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони томонидан Ўзбекистон Республикаси

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очиладиган миллий ва чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобварақларида жамланади.

3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартиби

6. Жамғарма маблағларидан қўйидаги мақсадларда фойдаланилади:

а) Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва унинг девонига юкланган вазифаларни самарали ташкил этиш;

б) Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг маъмурий бино ва бошқа инфратузилма объектларида қурилиш, реконструкция қилиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш ишларини (лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш харажатларини инобатга олган ҳолда) амалга ошириш, уларнинг моддий-техник ҳолатини яхшилаш, шу жумладан, зарур замонавий ускуналар, мебель, инвентарлар билан жиҳозлаш, кузатув, назорат ва идентификация тизимлари, воситалари ва қурилмалари билан таъминлаш ҳамда бошқа товар-моддий қимматликларни харид қилиш;

в) ахборот-коммуникация, мультимедиа ва тармоқ қурилмалари, техника воситалари ҳамда дастурий таъминотларни харид қилиш, замонавий технологияларни жорий этиш ва сақлаш, маълумотлар базасини шакллантириш;

г) Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони раҳбарияти ва ходимларининг фаолият йўналиши бўйича малакасини ошириш, шунингдек, уларни хорижий давлат ташкилотлари, таълим муассасалари ҳамда бошқа ташкилотларга тажриба алмашиш, ҳамкорлик ўрнатиш мақсадларида хорижий хизмат сафарларига юбориш;

д) ташаббускорлиги ва ўз хизмат вазифаларини виждонан бажарганлиги ҳамда меҳнат фаолиятидаги юксак натижалари учун лавозим маошининг 200 фоизигача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устамалар белгилаш;

е) ҳар йили Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони ходими фаолиятини яқка тартибда баҳолаш асосида икки ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида мукофотлаш;

ж) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланмаган қисмида байрам кунлари муносабати билан мукофот пуллари бериш;

з) узоқ йиллик ва бенуқсон хизмати (меҳнати) учун, шунингдек, пенсияга чиқиши муносабати билан икки ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдorigача бўлган ҳажмда бир марталик мукофотлаш;

и) Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони ходимларини алоҳида эҳтиёж юзга келган ҳолларда (бахтсиз ҳодиса, тўй ва бошқа тадбирлар, узоқ давом этган касаллик билан боғлиқ махсус давланиш ва саломатликни тиклаш, шунингдек, оиладаги оғир моддий аҳвол, бошқа ҳолатлар) моддий ёрдам беришни назарда тутган ҳолда ижтимоий ҳимоя қилиш;

к) республикага келган ва хориждаги олий даражадаги меҳмонларга совға қилиш учун маҳаллий ва чет элда ишлаб чиқарилган сувенирларни сотиб олиш;

л) Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тадбирлар.

7. Жамғармадан маблағ ажратишга оид мурожаатлар ушбу харажатларни асословчи тегишли ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади.

Ҳужжатларнинг асосланганлиги ва сифати, келтирилган маълумотларнинг тўғрилиги юзасидан мурожаат этувчи жавобгардир.

8. Жамғарма маблағларидан унинг тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметаси асосида фойдаланилади.

Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари сметаси бюджетдан ташқари маблағлар бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда тузилади, Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан тасдиқланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигида рўйхатдан ўтказилади.

9. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметасига йил давомида белгиланган тартибда Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган харажатлар уларнинг тасдиқланган ҳажмларига, ушбу харажатлар ўрнини қоплаш манбалари мавжуд бўлган тақдирда кўпайтирилади.

4-боб. Жамғармани бошқариш

10. Жамғарма фаолиятини бошқариш ва унинг маблағларини тақсимлаш учун Жамғармани бошқариш кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш) ташкил этилади.

11. Кенгаш:

ҳисобот йили якуни бўйича Жамғарма даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни назорат қилади.

12. Кенгаш, қоида тариқасида, Кенгаш раиси, унинг ўринбосари, Кенгаш котиби, Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг 2 — 4 нафар масъул ходимларидан иборат таркибда шакллантирилади. Кенгашнинг шахсий таркиби, қоида тариқасида, бир йилда бир марта Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан тасдиқланади.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил лавозимида кўра Кенгаш раиси ҳисобланади.

13. Кенгаш раиси:

Кенгаш мажлиси кун тартибини белгилайди ва чақиради;

Кенгаш қарорларини тасдиқлайди ва уларнинг бажарилишини назорат қилади;

Кенгаш аъзоларига юкланган вазифалар бажарилиши юзасидан уларнинг ишини мувофиқлаштиради;

Кенгашнинг самарали ишлашини таъминлаш учун бошқа ваколатларни амалга оширади.

Кенгаш томонидан белгиланган лимитлар доирасида харажатлар дастури бўйича харажатлар сметаларини тасдиқлаш ва унга ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, Жамғарманинг захира маблағларидан фойдаланиш Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан амалга оширилади.

14. Кенгаш аъзолари:

Кенгаш мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда иштирок этади;

Кенгаш томонидан кўриб чиқиладиган масалалар бўйича овоз беради.

Кенгаш аъзолари мажлисда шахсан қатнашадилар. Бунда қатнашишнинг имкони бўлмаган тақдирда, Кенгаш аъзоси мажлиснинг кун тартиби бўйича ўз фикрини ёзма равишда тақдим этишга ҳақлидир.

15. Кенгаш котиби:

Кенгаш мажлисига барча зарур ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

мажлисни ўтказиш муддатлари ва жойини Кенгаш раиси билан келишади;

кун тартибига киритилган масалалар бўйича Кенгаш мажлисларининг ўтказилишини ташкил этади;

Кенгаш аъзолари ва таклиф этилган шахсларни мажлиснинг санаси, вақти, жойи ва кун тартиби лойиҳасидан хабардор қилади;

Кенгаш қарорларининг бажарилиши мониторингини юритади;

Кенгаш баённомаларини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённомаларни Кенгаш аъзоларига ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотларга юборади.

Кенгаш котиби кенгаш аъзоси ҳисобланади.

16. Кенгаш мажлислари заруратга қараб, бироқ ҳар чоракда камида бир маротаба ўтказилади.

17. Кенгаш мажлисини Кенгаш раиси, у бўлмаган тақдирда эса Кенгаш раиси ўринбосари бошқаради.

18. Кенгаш мажлиси унда Кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашганда, ўтказилган ҳисобланади.

19. Кенгаш мажлисини ўтказиш учун кворум ёки раис ва унинг ўринбосари бўлмаганда, Кенгаш мажлисини ўтказишнинг янги санаси эълон қилинади.

20. Кенгаш қарори Кенгашнинг мажлисида қатнашган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, Кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Жамғарманинг даромадлари ва харажатларининг йиллик молиявий режасини, шунингдек, маблағлардан фойдаланилишини тасдиқлаш масалалари бўйича қарорлар Кенгаш мажлисида қатнашган аъзоларнинг учдан икки қисми овози билан қабул қилинади.

Кенгаш қарорлари мажлис баённомаси билан расмийлаштирилади. Кенгаш мажлисининг баённомаси Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади ҳамда

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил буйруғи асосида амалга оширилади.

21. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг Молия шуъбаси Жамғарманинг ишчи органи ҳисобланади.

22. Ишчи орган:

Жамғарманинг даромадлари ва харажатларининг йиллик молиявий режасини ишлаб чиқади;

даромадлар ва харажатлар сметаларини тайёрлайди, шунингдек, уларга қонунчиликда белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш юзасидан Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга таклифлар киритади;

Жамғарма тушумларини кўпайтириш ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

Жамғармадан маблағ ажратишга оид мурожаатларни умумлаштириш ва Кенгашга кўриб чиқиш учун материаллар тайёрлайди;

Жамғарманинг тушумлар манбалари бўйича даромадлар ҳамда асосий харажатлар йўналишлари бўйича ҳисобини юритади;

ҳар чорак якуни бўйича Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши тўғрисида ҳисобот тайёрлайди, Кенгашга кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим этади;

белгиланган тартибда Жамғармага маблағлар тушиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши тўғрисида Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ҳисобот тақдим этади.

23. Жамғарма маблағларининг ҳисоб ва ҳисоботини юритиш ҳамда жорий хизмат кўрсатиш ишлари Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг Молия шуъбаси томонидан амалга оширилади.

5-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш

24. Жамғарманинг даромад ва харажатлар сметасининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот Кенгаш томонидан кўриб чиқилади ҳамда ҳар йили 15 мартгача Кенгаш томонидан тасдиқланади.

25. Жамғарманинг ҳисобот йилида фойдаланилмаган маблағлари олиб қўйилмайди, кейинчалик ушбу Низомда назарда тутилган тартибда фойдаланиш учун миллий ва чет эл валютасида жамғариб бориладиган ғазначилик шахсий ғазна ҳисобварақларида қолади.

26. Жамғарма маблағларидан оқилона ва мақсадли фойдаланиш қонунчилиқ ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилинади.

6-боб. Яқунловчи қоида

27. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилиқ ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 7 январдаги 6-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 4 августдаги 587-сон қарорига:

- а) 3-банднинг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;
- б) 11-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 14 июлдаги 584-сон қарорининг 3-бандида:

- а) учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг техник ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли хизматчи ходимлари, шу жумладан, операторларга мутахассис лавозими учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади»;

- б) қуйидаги таҳрирдаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг хизмат кўрсатувчи ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Транспорт бўлимининг тегишли хизмат кўрсатувчи ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади»;

- в) тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

3 Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги қарорига мувофиқ, шунингдек, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш жараёнида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини техник воситалардан фойдаланган ҳолда тезкорлик билан текширишни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги қарорига асосан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар (кейинги ўринларда — гиёҳвандлик воситалари) ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартибини жорий этиш ҳамда экспресс текширадиган замонавий техник воситаларни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харид қилиш бўйича вазифалар белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш жараёнида гиёҳвандлик воситалари ва валюта намуналарини экспресс текшириш учун техник воситалардан фойдаланиш тартиби;

гиёҳвандлик воситалари ва валюта намуналарини экспресс текширишда техник воситалардан фойдаланиладиган ҳолатлар ва мазкур воситалар орқали ўтказилган текширувларни расмийлаштириш тартиби;

гиёҳвандлик воситалари ва валюта намуналарини текширишда қўлланиладиган экспресс техник воситаларни масъул ходимга бириктириш ва ушбу воситаларни сақлаш тартиби.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 июлдан бошлаб, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар:

гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳолатни қайд этишда аниқланган модда (буюм)нинг гиёҳванд воситасига тааллуқли эканлигига шубҳа пайдо бўлганда;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 12 январда эълон қилинган.

аниқланган модда (буюм)ни гиёҳвандлик воситаларининг қайси турига мансублиги бўйича савол туғилганда;

гиёҳвандлик воситаларининг янги турлари аниқланганда;

тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда;

тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади.

4. Белгилансинки, гиёҳвандлик воситалари ҳамда валюта намуналарини экспресс текширадиган замонавий техник воситалар заруратга кўра, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан белгиланган тартибда харид қилинади.

5. Ички ишлар вазирлиги:

тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи бошқа органлар билан биргаликда икки ой муддатда тезкор ходимлар учун тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартибининг мазмун-моҳиятига бағишланган ўқув-семинарлар ташкил этсин;

бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 12 январь,
12-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 12 январдаги 12-сон қарорига
ИЛОВА

**Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик
воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари,
прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда
валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник
воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг тезкор бўлинмалари томонидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш жараёнида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш учун техник воситалардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

валюта намуналари — муомаладаги миллий валюта ҳамда чет давлатнинг муомаласида бўлган ва қонуний тўлов воситаси ҳисобланган, шунингдек, муомаладан чиқарилган ёки чиқарилаётган, лекин Ўзбекистон Республикасининг пул белгиси билан алмаштирилиши лозим бўлган банкнот тарзидаги чет эл пул белгиси;

валюта операциялари — валюта қимматликларига мулк ҳуқуқининг бировга ўтиши билан боғлиқ операциялар, шу жумладан, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда чет эл валютасидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси пул бирлигидан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш билан боғлиқ операциялар; валюта қимматликларини чет элдан Ўзбекистон Республикасига келтириш ва жўнатиш, уларни Ўзбекистон Республикасидан четга олиб чиқиш ва жўнатиш, халқаро миқёсда пул ўтказиш операциялари;

гиёҳвандлик воситалари — гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар;

гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари — кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга ўхшаш, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этувчи, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар;

кучли таъсир қилувчи моддалар — кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида реализация қилиниши қатъий тартибга солинган дори воситалари;

прекурсорлар — прекурсорлар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинган, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг

аналогларини ва психотроп моддаларни тайёрлаш учун фойдаланиладиган моддалар;

психотроп моддалар — психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар;

экспресс текшириш техник воситаси — Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти рўйхатидан ўтган ва махсус сертификатга эга бўлган, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддаларни (кейинги ўринларда — гиёҳвандлик воситалари) текширишга мўлжалланган, шунингдек, валюта операциялари давомида муомалада бўлган валюта намуналарининг ҳақиқийлигини текшириш техник воситаси.

3. Қўйдаги ҳолатларда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказадиган тезкор ходим гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳолатни қайд этишда, шунингдек, валюта операциялари давомида муомалада бўлган валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тегишли орган биносида экспресс текшириш техник воситаси ёрдамида мазкур Низомга иловага* мувофиқ текширади:

аниқланган модда (буюм)нинг гиёҳвандлик воситаларига тааллуқли эканлигига шубҳа пайдо бўлганда;

аниқланган модда (буюм)ни гиёҳвандлик воситаларининг қайси турига мансублиги бўйича савол туғилганда;

гиёҳванд воситасининг янги турлари аниқланганда;

тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганида;

тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида.

Ноқонуний муомалада бўлганлиги аниқланган ва расмийлаштириб олинган гиёҳвандлик воситалари ҳамда валюта намуналари бўйича қонунчилик ҳужжатларига асосан экспертиза тайинланиб, ўтказилиши шарт.

4. Экспресс текшириш ишларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида ўтказиш зарур бўлганда, тезкор ходим аниқланган модда (буюм)ни ёки валюта намунасини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштиради ва мазкур модда ёки валюта намунасини тайёрлаш, олиш, сақлаш, ўтказиш ҳамда шу каби бошқа ҳаракатларни содир этган шахсни (кейинги ўринларда — аниқланган шахс) модда (буюм)ни ёки валюта намунасини экспресс текширувдан ўтказиш мақсадида ушбу бинога олиб боради.

Аниқланган шахс муомалага лаёқатли бўлмаган ёки вояга етмаган шахс бўлган тақдирда, текширув яқин қариндошлари ёки қонуний вакили иштирокида ўтказилади.

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2-боб. Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш жараёнида гиёҳвандлик воситалари ҳамда валюта намунасини экспресс текшириш учун техник воситалардан фойдаланиш тартиби

5. Олинган модда (буюм)ни ёки валюта намунасини экспресс текшириш техник воситаси орқали текширувдан ўтказишдан олдин текширувни ўтказадиган ходим аниқланган шахсга (унинг яқин қариндоши ёки қонуний вакилига) экспресс текшириш техник воситасининг ишлаш тартибини тушунтиради.

6. Олинган модда (буюм) ёки валюта намунаси экспресс текшириш техник воситаси орқали камида икки нафар холислар иштирокида текширувдан ўтказилади.

7. Текширувни ўтказадиган ходим аниқланган шахс ва холисларга иш ҳолатини ҳамда уларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши шарт.

8. Текширувни ўтказадиган тезкор ходим хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилиши лозим.

9. Экспресс текшириш техник воситаси доимий равишда соз ва унинг дастурий-техник таъминоти ишчи ҳолатда бўлиши керак.

Экспресс текшириш техник воситасида носозликлар аниқланганда, ходим бу ҳақда дарҳол бевосита бошлиғига хабар беради ва процессуал ҳаракатларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда давом эттиради.

10. Экспресс текшириш техник воситаси орқали аниқланган модда (буюм) ёки валюта намунасининг текширув натижаси ходим томонидан барча эшита оладиган шаклда аниқланган шахс ва холисларга эълон қилинади ҳамда кўрсатилади.

11. Текширув натижаси юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилади.

3-боб. Экспресс текшириш техник воситасини сақлаш тартиби

12. Экспресс текшириш техник воситаси ваколатли раҳбар томонидан масъул ходимга бириктирилади.

13. Масъул ходим экспресс текшириш техник воситасидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиши ҳамда уни бегона шахсларга фойдаланиш учун бермаслиги лозим.

14. Экспресс текшириш техник воситаси масъул ходим томонидан бошқа тезкор ходимга фақат ваколатли раҳбарнинг рухсати билан тезкор-қидирув тадбирларида фойдаланиш учун берилиши мумкин.

Экспресс текшириш техник воситаси масъул ходим томонидан бошқа тезкор ходимга соз ҳолатда топширилади ҳамда тадбир якунида ушбу техник восита соз ҳолатда қайтарилади.

15. Экспресс текшириш техник воситасидан фойдаланган ҳолда гиёҳвандлик воситалари ҳамда валюта намунасини текшириш ҳолатлари масъул ходим томонидан қайд этиб борилади, шунингдек, экспресс текшириш техник воситасидан фойдаланилган ҳар бир юқоридаги ҳолатнинг фото ва видеотас-

вирлари ҳисоботининг юритилишини таъминлаш мақсадида улар алоҳида йиғмажилд кўринишида икки йил давомида сақланади.

16. Экспресс текшириш техник воситаси ходимнинг масъулиятсизлиги оқибатида йўқолган, учинчи шахсларга берилган, қасддан нобуд қилинган ва унга ўрнатилган дастур ҳамда аксессуарлар қасддан яроқсиз ҳолга келтирилган тақдирда, етказилган зарар экспресс текшириш техник воситаси бириктирилган масъул ходим ҳисобидан тўлиқ қопланади. Агар ушбу ҳолатлар экспресс текшириш техник воситасини тезкор тадбирларда фойдаланиш учун олган ходимнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида келиб чиққан бўлса, келтирилган зарар мазкур ходим ҳисобидан тўлиқ қопланди.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

17. Экспресс текширувни ўтказиш жараёнида фуқаролар ҳаётини, соғлигини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда қонуний манфаатларини хавф остига қўядиган, шунингдек, инсон шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилиши тақиқланади.

18. Мазкур Низом ижросини таъминлашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

19. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

4 Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш тизимини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Инвестиция дастурларини шакллантириш, уларни мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига кескин ва ижобий таъсир кўрсатадиган лойиҳалар билан тўлдиришни таъминлаш, лойиҳаларни амалга оширишда ҳамда улар ишга туширилгандан сўнг инвестициядан кейинги мониторинг тизимини жорий қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимга ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 14 майдаги ПФ–5717-сон Фармониға мувофиқ:

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантиришнинг тасдиқланган концепциялари ва дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида унинг асосий кўрсаткичларини ҳар йили аниқлаштириб ва янгилаб борган ҳолда уч йиллик даврга шакллантирилиши;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Инвестиция дастурини, шу жумладан, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ва бошқа марказлаштирилмаган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхатини шакллантириш, шунингдек, Инвестиция дастурининг амалга оширилишини умумий мониторинг ва назорат қилиш бўйича ваколатли орган этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловаға мувофиқ тасдиқлансин:

инвестиция лойиҳалари рўйхатини халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ва бошқа марказлаштирилмаган манбалар ҳисобидан шакллантириш;

Инвестиция дастури лойиҳасини шакллантириш ва тасдиқлаш;

Инвестиция дастурининг амалга оширилишини мониторинг ва назорат қилиш, инвестиция дастурининг ахборот таъминоти, инвестициядан кейинги мониторингини амалга ошириш тартиби.

3. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2023 йил 1 январдан бошлаб Инвестиция дастурини «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали мониторинг қилиш тартибига тўлиқ ўтсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 16 январда эълон қилинган.

Бунда ахборот тизимида инвестиция лойиҳаси амалга оширилгандан сўнг мониторинг қилишни назарда тутувчи функционал имкониятлар яратилиши кўзда тутилсин.

4. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Статистика агентлиги ва Божхона қўмитаси билан биргаликда инвестиция дастурлари доирасида ишга туширилган корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланишга эришиш мақсадида ҳар чорақда инвестиция дастурлари доирасида яратилган ишлаб чиқариш қувватлари ва экспорт ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин.

5. Рақамли технологиялар вазирлиги, Божхона қўмитаси, Марказий банк, тижорат банклари ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишлилиги бўйича ўз тизимларини уч ой муддатда «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш» автоматлаштирилган ахборот тизимига зарур бўлган маълумотларни интеграция қилишни таъминласин.

6. Белгилаб қўйилсинки, 2023 йилдан бошлаб келгуси йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури лойиҳасини шакллантириш «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга оширилади.

7. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги бир ой муддатда мазкур қарорга илова билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом талабларидан келиб чиқиб, ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларни тайёрлаш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш тартибини янада такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазири зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 14 январь,
16-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 14 январдаги 16-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини (кейинги ўринларда — Инвестиция дастури) шакллантириш ва амалга ошириш тартибини ҳамда унинг мазмунига қўйиладиган талабларни белгилайди.

2. Инвестиция дастури тармоқ ва ҳудудий ривожланиш концепциялари базасида шакллантирилган, узоқ муддатли истикболга мўлжалланган ҳамда мавжуд табиий, минерал хом ашё, молиявий, моддий, меҳнат ресурслари ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари асосида мамлакат иқтисодиётини барқарор ва жадал ривожлантиришга эришиш, республика иқтисодиётининг алоҳида тармоқларини тузилмавий ўзгартириш бўйича асосий устувор йўналишлар ва вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган ўзаро боғланган комплекс чора-тадбирлардан иборат.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ахборот тизими — «инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш»нинг автоматлаштирилган ахборот тизими;

бизнес-режа — инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун мақсадли кўрсаткичларга эришиш йўлларини ва муаммоларини таҳлил қилиш асосида ечимларни белгилаш ва фойда кўришга қаратилган тизимли фаолият режаси;

инвестиция лойиҳаси — иқтисодий, ижтимоий ва бошқа фойда олиш учун инвестицияларни амалга оширишга ёки жалб этишга қаратилган, ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуи;

Инвестиция дастурини молиялаштириш манбалари — марказлаштирилмаган манбалар ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари (кейинги ўринларда — ХМИ/ХХМТ), Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари;

инвестициядан кейинги мониторинг — инвестиция лойиҳаси амалга оширилгандан бошлаб инвестициядан кейинги даврда лойиҳа ҳужжатларида кўзда тутилган мақсадли кўрсаткичларга эришишни кузатиш жараёни;

инвестициядан кейинги босқич — ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилган пайтдан бошлаб объектнинг беш йиллик фаолиятига қадар бўлган давр;

инфратузилма лойиҳаси — паст рентабелли ёки рентабелсиз ижтимоий, йўл-транспорт, сув хўжалиги ва муҳандислик-коммуникация объектларини қуриш, модернизациялаш, реконструкция қилиш ҳамда кенгайтиришга қаратилган лойиҳа;

лойиҳа — маҳсулот (товар, иш, хизмат)ни яратишга йўналтирилган

алоҳида ўзаро боғланган тадбирлар мажмуи. Лойиҳалар мақсадидан келиб чиқиб, инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларига бўлинади;

лойиҳа ташаббускорлари — Инвестиция дастури доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга раҳбарлик қилувчи давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар, хўжалик бирлашмалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари;

лойиҳа-смета ҳужжати — ҳажмий-режали, амалий ва техникавий ечимларни, биналар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг қурилиши, реконструкцияси ҳамда мукамал таъмирланиши, шунингдек, ободонлаштириш ишлари қийматини белгиловчи лойиҳа ҳужжати;

лойиҳа ҳужжатлари — лойиҳани молиялаштириш шартларини ҳисобга олган ҳолда белгиланган лойиҳани амалга оширишнинг якуний, энг оқилона ва самарали техник, ташкилий ва молиявий-иқтисодий ечимларини белгиловчи ишчи лойиҳа;

лойиҳа паспорти — Инвестиция дастурига киритиш учун таклиф этиладиган лойиҳанинг асосий параметрлари тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олувчи ҳужжат;

марказлаштирилмаган манбалар — инвесторнинг шахсий маблағлари, Ўзбекистон Республикасининг кафолатсиз олинган, шу жумладан, чет эл банкларидан олинган банк кредитлари, тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари;

паст қувватда ишлаётган корхона — Инвестиция дастури доирасида (молиялаштириш манбаларидан қатъи назар) ишга туширилган ва қуйидаги мезонларга мос келадиган корхона:

мавжуд қувватлардан фойдаланиш белгиланган техник-иқтисодий параметрларга нисбатан кам бўлган (ярим қувватда ишлаётган) ва мос даврга нисбатан кам солиқ тўловларини амалга оширган;

ускуналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан паст даражада фойдаланиладиган (60 фоиз);

ривожланиш концепцияси (стратегияси) — Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган ва узоқ муддатли истиқболда sanoat тармоқлари ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича стратегик вазифаларни ўз ичига олувчи, аниқ тармоқлар ва ҳудудларнинг комплекс, истиқболли ва илмий асосланган ривожланиш режасини ўзида акс эттирувчи ҳамда мавжуд муаммолар босқичма-босқич ва тизимли ҳал этилишини таъминловчи ҳужжат;

техник-иқтисодий асослар ёки техник-иқтисодий ҳисоб-китоб — лойиҳанинг умуман энг кўп миқдордаги қийматини ва молиялаштириш эҳтиёжи ҳажмини кўриб чиқилган молиялаштиришнинг дастлабки шартларини ҳисобга олган ҳолда белгилаб берувчи муқобил вариантларни ўрганиш асосида лойиҳани амалга оширишнинг энг самарали техник-технологик ва ташкилий ечимини танлашни асослаб берувчи лойиҳаолди ҳужжатлар;

четланишлар — бу инвестициядан кейинги мониторинг жараёнида

аниқланадиган техник-иқтисодий параметрларнинг амалдаги натижаларининг режалаштирилган натижаларга кўра ўзгаришларидир.

4. Қуйидагилар Инвестиция дастурини шакллантиришнинг асосий тамойиллари ҳисобланади:

республикани ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари билан мувозанатлаштириш;

белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳанинг (инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосланиши, техник-иқтисодий ҳисоб-китоби ва бизнес-режалари) мавжуд бўлиши;

лойиҳаларнинг молиявий, минерал хом ашё, табиий, меҳнат ресурслари ва бошқа ресурслар билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш;

хар бир лойиҳани амалга оширишда ва улар доирасида ажратиладиган маблағларни ўзлаштиришда камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш;

аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш билан боғлиқ барча долзарб масалаларни ҳал этиш учун талаб этиладиган маблағлар ҳажмини аниқлаш ва ушбу масалаларни Инвестиция дастури доирасида қамраб олиш;

республикада олиб борилаётган инвестиция сиёсатида кўзда тутилган мамлакат иқтисодиётининг реал секторининг ҳудудларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан интеграцияси қилинишини таъминлаш;

ишлаб чиқариш қувватларини комплекс жойлаштиришнинг асосий тамойилларига амал қилиниши, хусусан, ишлаб чиқаришни хом ашё манбалари, ёқилғи, инфратузилма, транспорт-коммуникация ва меҳнат ресурсларига яқинлаштириш, биринчи навбатда ресурсларнинг энг самарали турларини ўзлаштириш ва улардан комплекс фойдаланиш;

лойиҳаларни тармоқлар ва ҳудудларнинг ривожланиш дастурларида белгиланган муддатларга мувофиқ босқичма-босқич амалга ошириш;

аҳоли турмуш даражасининг сифатини оширишга йўналтирилган соғлиқни сақлаш, таълим ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштириш;

минерал хом ашё ресурсларини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, илғор технологияларни жорий этиш орқали юқори қўшилган қийматга эга, ташқи бозорда рақобатбардош бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш;

тўғридан-тўғри, шу жумладан, чет эл инвестициялари ва кредитларини олиб борилаётган инвестиция сиёсатининг устувор йўналишларига мувофиқ ўзаро манфаатли шартларда жалб этиш;

инвестиция таклифларини тайёрлаш ва ташаббускорлар томонидан киритиладиган лойиҳаларни, уларнинг иқтисодий самарадорлиги ва истиқболини ҳисобга олган ҳолда танлашнинг таъсирчан ва шаффоф механизминини жорий этиш;

лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик шартларида амалга ошириш учун инвесторларни, шу жумладан, чет эллик инвесторларни жалб этиш ҳисобидан мамлакат иқтисодиётига йўналтириладиган инвестициялар ҳажмини ошириш;

транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштириш, шу жумладан, трансконтинентал транспорт коридорларига интеграциялаш, логистика мажмуаларини ва транспорт-логистика «хаб»ларини ташкил этиш;

давлат мулки объектларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва уларни хусусийлаштириш доирасида йирик лойиҳаларни қамраб олиш ҳамда бўш турган яқунланмаган қурилишларни белгиланган тартибда молиялаштириш йўли билан уларнинг ҳажмларини камайтириш.

5. Инвестиция дастурининг барча ҳисоб-китоблари республиканинг уч йиллик даврга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш параметрларининг прогнозлари ҳамда ривожланиш концепцияларига мувофиқ амалга оширилади ҳамда қўшимча равишда куйидаги мезонлар ҳисобга олинади:

тармоқ (ҳудуд)нинг истиқболдаги прогноз кўрсаткичлари ва экспорт салоҳиятининг прогноз кўрсаткичларининг ўсиш суръатлари;

тармоқнинг белгиланган макроиқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичларга таъсирининг ўзгариши ва энг кўп иш ўринларини ташкил этиш имконини берувчи инвестиция лойиҳаларини танлаш ва амалга ошириш;

ўзлаштирилган ва жалб этиладиган инвестицияларнинг самарадорлиги, асосий фондларнинг ҳолати ва қувватлардан фойдаланиш даражаси ва лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамияти.

6. Инвестиция дастури тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш концепциялари ва дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари асосида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муддатлари ва молиялаштириш манбаларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар йили унинг асосий кўрсаткичларига аниқлик киритиш ва янгилаш орқали мазкур Низомга 1-иловада* келтирилган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини уч йиллик даврга шакллантириш ва амалга ошириш схема-сига мувофиқ шакллантирилади ва амалга оширилади.

Инвестиция дастурини шакллантириш жараёни бир йиллик даврга эга бўлиб, ҳар бир йил якунида тайёрлаш, мувофиқлаштириш ва тузатишлар киритишни таъминлайдиган жадвал асосида амалга оширилади.

7. Инвестиция дастурини амалга оширишнинг биринчи йилига лойиҳа ҳужжатлари ва молиялаштириш манбалари тасдиқланган, янгидан бошландиган лойиҳалар, шунингдек, олдинги дастурда белгиланган амалга ошириш муддатларини ҳисобга олган ҳолда бир даврдан кейингисига ўтадиган лойиҳалар киритилади.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Инвестиция дастури амалга ошириладиган биринчи йилда белгиланган кўрсаткичлар бажарилишининг танқидий таҳлилини амалга оширади, шунингдек, мавжуд молиявий ва бошқа ресурслар билан ўзаро боғланган тузатишларни киритиш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўради.

Инвестиция дастурини амалга оширишнинг иккинчи йилига қийматига белгиланган тартибда аниқлик киритилган, тендер ёки танлов натижалари бўйича белгиланган амалга ошириш муддатларини ҳисобга олган ҳолда, биринчи йилдан ўтадиган лойиҳалар, шунингдек, лойиҳа ҳужжатлари биринчи

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

йили тайёрланадиган ва тасдиқланадиган янги бошланаётган лойиҳалар киритилади.

Инвестиция дастурини амалга оширишнинг учинчи йилига қийматига белгиланган тартибда аниқлик киритилган, тендер ёки танлов натижалари бўйича белгиланган амалга ошириш муддатларини ҳисобга олган ҳолда, йилдан-йилга ўтадиган лойиҳалар, шунингдек, лойиҳа ҳужжатлари иккинчи йили тайёрланадиган ва тасдиқланадиган янги бошланаётган лойиҳалар киритилади.

8. Инвестиция дастурининг лойиҳаси қуйидаги тартибда шакллантирилади:

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги — ХМИ/ХХМТ, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ва бошқа марказлаштирилмаган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари бўйича ҳар йили 1 апрелга қадар Инвестиция дастурига киритиш учун лойиҳаларни шакллантиришга доир методик тавсияларни ишлаб чиқиб, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва ҳўжалик бирлашмаларига тақдим этади;

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда Инвестиция дастурининг барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан йиғма кўрсаткичларни ҳар йили 1 августга қадар шакллантиради;

Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари билан биргаликда Инвестиция дастури лойиҳасига киритилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун чет эллик инвесторларни жалб этишда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига кўмаклашади.

9. Қуйидагилар лойиҳаларни Инвестиция дастурининг манзилли қисмига киритишнинг мажбурий шартлари ҳисобланади:

ХМИ/ХХМТ, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда марказлаштирилмаган манбалар ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳаларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳаолди ёки лойиҳа ҳужжатлари ёки лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжудлиги, тўғридан-тўғри, шу жумладан, чет эл инвестициялари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар бундан мустасно;

тасдиқланган молиялаштириш манбалари ва лойиҳанинг умумий қиймати 500 минг доллардан кам бўлмаган миқдорда;

мазкур Низомга 2-иловага* мувофиқ шаклда расмийлаштирилган инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа паспорти;

Инвестиция дастурига киритиш учун бошқа асослар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари).

10. Қуйидагилар Инвестиция дастурига лойиҳаларни киритиш учун танлаб олишнинг асосий мезонлари ҳисобланади:

лоyiҳанинг мақсадга мувофиқлиги ва иқтисодий самарадорлиги;

камбағалликни қисқартириш, иш ўринларини ташкил этиш ва аҳолининг турмуш даражаси сифатини оширишни таъминлашга йўналтирилган ижтимоий манфаатлар;

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лойиҳанинг тасдиқланган тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш концепциялари ва дастурларининг кутилаётган натижалари билан ўзаро боғлиқлиги;

лойиҳаларнинг бўш турган ёки самарасиз фойдаланилаётган давлат мулки объектларида жойлаштирилиши;

ишлаб чиқариш қувватларининг жадал ривожланишини, минерал хом ашё ресурслари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг чуқур қайта ишланишини, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишини таъминлаш ҳамда экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш;

лойиҳанинг энергия самарадорлиги ва уни амалга ошириш натижасида электр энергиясининг тежамкорлигини таъминлаш.

**2-боб. Инвестиция лойиҳалари рўйхатини ХМИ/ХҲМТ,
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ва бошқа
марказлаштирилмаган манбалар ҳисобидан
шакллантириш**

11. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳар йили 1 апрелга қадар Инвестиция дастури лойиҳасини шакллантириш мақсадида тегишли шакллар, намуналар ва макетларни ишлаб чиқади ва лойиҳа ташаббускорларига юборади.

12. Инвестиция дастури лойиҳасини шакллантириш мақсадида ҳар йили 1 майга қадар:

лойиҳа ташаббускорлари — вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари соҳалар ва ҳудудларни ривожлантириш концепциялари ва дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини инobatга олган ҳолда инвестиция таклифларини;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги — давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг рўйхатини;

Давлат активларини бошқариш агентлиги — давлат мулки объектларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва уларни хусусийлаштириш доирасидаги инвестиция таклифларини Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига тақдим этади.

13. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ҳар йили 20 июнга қадар Инвестиция дастури лойиҳасига киритиш учун тақдим этиладиган лойиҳалар бўйича лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ иқтисодий самарадорлиги, устуворлиги ва мақсадга мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда, инвестиция таклифларини баҳолашни назарда тутувчи инвестиция лойиҳаларининг дастлабки рўйхатини шакллантиради.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги биринчи навбатда, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини (электр, газ, сув таъминотини, канализация, йўл ва бошқалар) ривожлантириш ва молиявий таҳлилнинг умумқабул

қилинган услубидан фойдаланиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда, уларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш натижаларига кўра Инвестиция дастури лойиҳасига киритиш учун тақдим этиладиган инвестиция лойиҳаларини танлаб олади.

3-боб. Инвестиция дастури лойиҳасини шакллантириш ва тасдиқлаш

14. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги:

манфаатдор давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар, хўжалик бирлашмалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда, ҳар йили 1 августга қадар тақдим этилган таклифларни умумлаштиради ва дастлабки Инвестиция дастурининг лойиҳасини ҳамда инвестиция лойиҳаларнинг манзилли рўйхатларини шакллантиради;

ҳар йили 10 августга қадар Инвестиция дастурининг дастлабки лойиҳасини ҳамда инвестиция лойиҳаларининг рўйхатини Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритади.

15. Вазирлар Маҳкамаси ҳар йили 25 августга қадар Инвестиция дастурининг дастлабки лойиҳасини ҳамда инвестиция лойиҳаларининг рўйхатларини Вазирлар Маҳкамасининг тегишли таркибий бўлинмалари билан кўриб чиқади ва Инвестиция дастури бўйича таклифларни Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига тақдим этади.

16. Лойиҳа ташаббускорлари — вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳар йили 25 октябрга қадар инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида белгиланган тартибда ишлаб чиқиб, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан келишилишини таъминлайди.

17. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишилган ҳолда, ҳар йили 10 ноябрга қадар Инвестиция дастури лойиҳасини, шу жумладан, Инвестиция дастурини муваффақиятли амалга ошириш билан эришиладиган асосий кўрсаткичларини, уларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсирини ҳисобга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритади.

18. Вазирлар Маҳкамаси ҳар йили 1 декабрга қадар Инвестиция дастурининг лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритади.

4-боб. Инвестиция дастурининг тузилмаси

19. Инвестиция дастури тузилмасини қуйидагилар ташкил этади:

биринчи молиявий йилга инвестицияларнинг асосий параметрлари, молиялаштириш манбалари, тармоқлар ва йўналишлар бўйича кейинги икки йил учун прогноз кўрсаткичлар;

ХМИ/ХХМТ, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари,

марказлаштирилмаган манбалари ҳисобидан биринчи йилда маблағлари ўзлаштириладиган лойиҳаларнинг манзилли қисми;

иккинчи йилда молиялаштиришни бошлаш ва маблағларни ўзлаштириш учун биринчи йилда лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган, мувофиқлаштириладиган ва тасдиқланадиган инвестиция лойиҳаларининг рўйхати;

иккинчи ва (ёки) учинчи йили молиялаштиришни бошлаш ва маблағларни ўзлаштириш учун дастлабки икки йилда ишлаб чиқилиши керак бўлган истикболли тармоқ ва ҳудудий инвестиция лойиҳаларининг рўйхатлари.

Бунда Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг иккинчи йилдаги ва кейинги йиллардаги кўрсаткичларига биринчи йили тугалланмаган лойиҳаларни ҳисобга олган ҳолда, тармоқларни ривожлантириш бўйича тасдиқланган давлат дастурларига мувофиқ, шу жумладан, бошланмаган лойиҳалар ўрнига янги лойиҳаларни киритиш орқали ҳар йили аниқлик киритилади;

йиғма жадвалларга эга тахлилий қисм, шу жумладан, Инвестиция дастурини амалга ошириш ҳисобидан эришилиши керак бўлган мақсадли кўрсаткичлар.

5-боб. Инвестиция дастури амалга оширилишини мониторинг ва назорат қилиш

20. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш жараёнини мониторинг ва назорат қилиш «инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш» автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш ва ундан фойдаланишни ташкил этиш регламентига мувофиқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тасдиқланадиган комплекс тармоқ жадвали асосида амалга оширилади.

Комплекс тармоқ жадвали регламентда белгиланган тартибда ахборот тизими ёрдамида шакллантирилади, мувофиқлаштирилади ва тасдиқланади.

21. Лойиҳа ташаббускорлари ҳар ойнинг бешинчи кунидан кечиктирмасдан, ахборот тизими орқали Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига Инвестиция дастури доирасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни киритиб боради.

22. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳар ойнинг ўнинчи кундан кечиктирмасдан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига Инвестиция дастурини амалга ошириш ишларининг бориши ҳақидаги жамланма тахлилий маълумотни тақдим этиб боради.

23. Лойиҳа ташаббускорлари инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши учун жавобгар ҳисобланади.

6-боб. Инвестиция дастурининг ахборот таъминоти

24. Инвестиция дастурининг ахборот таъминотини шакллантириш ва юритиш ишлари Инвестиция дастурига киритилган капитал қурилиш объектлари, кўчмас мулк объектлари, инвестиция лойиҳалари ҳамда уларга ки-

ритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ҳақидаги маълумотларни киритиш йўли билан амалга оширилади.

25. Ахборот таъминотини шакллантириш ва юритишда давлат сирини ташкил қилувчи маълумотлар билан ишлаш Ўзбекистон Республикасининг «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги Қонуни талабларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

26. Ахборот таъминоти ресурсига киритилган, давлат сири ҳисобланмаган маълумотлар Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

27. Ахборот таъминоти ресурсига киритилган, давлат сирини ташкил қилувчи маълумотларни тақдим этиш ишлари мансабдор шахслари шундай ахборотдан фойдаланиш учун тегишли ваколати бўлган органлар ва ташкилотларнинг сўровлари бўйича амалга оширилади.

7-боб. Инвестициядан кейинги мониторингни амалга ошириш тартиби

28. Инвестиция дастури доирасида ишга туширилган объектларни мониторинг қилиш ишлари «инвестиция лойиҳаларини амалга оширилишини назорат ва мониторинг қилиш» автоматлаштирилган ахборот тизими ёрдамида амалга оширилади.

Ахборот тизимида инвестициядан кейинги мониторингни кўзда тутувчи функционал имкониятлар яратилгунга қадар ишга туширилган объектлар Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан тегишли давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар, хўжалик бирлашмалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишчи гуруҳлар ташкил қилган ҳолда жойларга чиқиб, ўрганиш орқали амалга оширилади.

29. Ишчи гуруҳлар ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилганлиги тўғрисидаги далолатномалар асосида ўрганиш олиб боради, ўрганиш натижасида ягона базани ҳамда паст қувватда ишлаётган корхоналар ва четланишлар бўлган мавжуд корхоналар рўйхатини шакллантиради.

30. Ишчи гуруҳлар ишга туширилган корхоналар бўйича ишлаб чиқариш кўрсаткичларини (маълумотларни), статистика органлари маълумотлари ҳамда бошқа турдаги маълумотларни лойиҳаларнинг бизнес режалари, тасдиқланган техник-иқтисодий асослар ёки техник-иқтисодий ҳисоб-китобда кўзда тутилган кўрсаткичлар билан таққослаб, номувофиқликларни ҳамда объектлардаги муаммоларни аниқлайди.

31. Ишчи гуруҳлар ўрганиш натижасида тайёрланган маълумотларни моҳияти, йўналиши ва тегишлилиги бўйича умумлаштириб, гуруҳларга ажратиб, мавжуд ҳолат ва муаммоларни аниқ ёритган ҳолда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига киритади.

32. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги бир ҳафта муддатда келиб тушган маълумотлар жамланмасини тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда, мавжуд тизимли ва яқка ҳолдаги муаммолар бўйича,

паст қувватларда ишлаётган корхоналарда ишлаб чиқаришни тўлиқ қувватга етказиш бўйича ечимларни кўзда тутувчи тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалар бўйича Ҳукумат комиссиясига (кейинги ўринларда — Ҳукумат комиссияси) тасдиқлаш учун киритади.

33. Тегисли давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар, хўжалик бирлашмалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тасдиқланган чора-тадбирларнинг ижросини таъминлайди.

34. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги тасдиқланган чора-тадбирлар режасининг ижроси бўйича тизимли мониторинг олиб боради ва Ҳукумат комиссиясига маълумотларни киритиб боради.

8-боб. Яқунловчи қондалар

35. «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш» автоматлаштирилган ахборот тизими Инвестиция дастурини амалга ошириш ишларининг бориши, шу жумладан лойиҳалар ташаббускорлари маблағларини, тижорат банклари кредитларини, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати остида олинган чет эл кредитларини ўзлаштириш ва молиялаштириш (жалб этиш) бўйича статистика маълумотларининг ахборот базаси ҳисобланади.

36. Давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар, хўжалик бирлашмалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Инвестиция дастурини амалга ошириш ишларининг бориши ҳақидаги, шу жумладан, ХМИ/ХХМТ, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, лойиҳалар ташаббускорларининг ўз маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари, тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати остида олинган чет эл кредитлари ҳақидаги маълумотларни Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан қатъий келишган ҳолда тарқатади.

37. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****5 «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
11 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3124-5*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 18 декабрдаги 157-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 3124, 2019 йил 18 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 3-сон, 57-модда) иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 27 декабрь,
70-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2022 йил 27 декабрдаги
70-сон буйруғига
ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар

1. Буйруқ қуйидаги мазмундаги 11-банд билан тўлдирилсин:

«11. Белгилаб қўйилсинки, 2022 йил учун йиллик молиявий ҳисобот 2022 йилда амал қилган тартиб ва шакллар асосида тақдим этилади.».

2. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи»да:

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 11 январда эълон қилинган.

а) 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Бюджет маблағларини олувчилар Давлат бюджети маблағлари бўйича Молия вазирлигига (тегишли ҳудудий молия органларига) чорак (йил) учун Баланс (1-сон шакл)ни, Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл)ни, Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумотни ҳамда Товар-моддий захиралар ва номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни мазкур Стандартнинг талабларига мувофиқ ҳолда тақдим этади.»;

б) 30-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «касб-ҳунар таълими муассасаларида» деган сўзлар «профессионал таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 52-банднинг иккинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги, 67-банднинг иккинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги ҳамда 114-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «муассасаларида» деган сўз «ташкилотларида» деган сўз билан алмаштирилсин;

г) 160-банднинг тўққизинчи хатбошисидаги «Молиявий ҳолат тўғрисида баланс ҳисобот» деган сўзлар «Давлат бюджети ижросининг баланси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 2-илованинг «Кўрсаткичлар» устунидаги «касб-ҳунар таълими муассасаларида» деган сўзлар «профессионал таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 8-илованинг «Тушумларнинг номи» устунидаги «Мактабгача таълим муассасаларида» деган сўзлар «Мактабгача таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 13-иловада:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат бюджети ижросининг баланси»;

1-иловада:

031-қатори чиқариб ташлансин;

032-қаторнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасининг ҳисобланган даромадлари (510 300)»;

034 ва 035-қаторлар чиқариб ташлансин;

051-қатордаги «касб-ҳунар таълими муассасаларида» деган сўзлар «профессионал таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

6 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
11 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3411*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Раис

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 6 декабрь,
28/3-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 13 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2022 йил
6 декабрдаги 28/3-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2012 йил 23 июндаги 19/4-сон «Микрокредит ташкилотларида аудит текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2379, 2012 йил 17 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 341-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2013 йил 8 июндаги 12/8-сон «Микрокредит ташкилотларида аудит текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2379-1, 2013 йил 24 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 26-сон, 340-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2016 йил 6 февралдаги 2/1-сон «Микрокредит ташкилотларида аудит текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2379-2, 2016 йил 18 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 7-сон, 71-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 10 ноябрдаги 35/12-сон «Микрокредит ташкилотларида аудит текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2379-3, 2018 йил 5 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.12.2018 й., 10/18/2379-3/2275-сон).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 5 мартдаги 5/10-сон «Микрокредит ташкилотларида аудит текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2379-4, 2020 йил 20 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.03.2020 й., 10/20/2379-4/0354-сон).

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2013 йил 16 мартдаги 6/2-сон «Марказий банк томонидан микрокредит ташкилотларининг ички аудит хизматига қўйиладиган талаблар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2453, 2013 йил 25 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 230-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 16 майдаги 11/8-сон «Марказий банк томонидан микрокредит ташкилотларининг ички аудит хизматига қўйиладиган талаблар тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2453-1, 2020 йил 10 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.06.2020 й., 10/20/2453-1/0732-сон).

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/6-сон «Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2994, 2018 йил 5 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.04.2018 й., 10/18/2994/1014-сон).

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 23 февралдаги 4/13-сон «Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2994-1, 2019 йил 11 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.03.2019 й., 10/19/2994-1/2733-сон).

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 21 сентябрдаги 21/13-сон «Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2994-2, 2020 йил 26 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.10.2020 й., 10/20/2994-2/1424-сон).

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 2 апрелдаги 5/10-сон «Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3300, 2021 йил 7 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.05.2021 й., 10/21/3300/0455-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

7 Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
11 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3412*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Раис

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 6 декабрь,
28/2-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 13 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2022 йил
6 декабрдаги 28/2-сон қарорига
ИЛОВА

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан фаолиятни амалга оширишда уларга қўйиладиган талаблар, шу жумладан микромолия ташкилотларининг активлари сифатини таснифлаш, активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларни яратиш ҳамда улардан фойдаланиш, пруденциал нормативлар, ломбардлар томонидан фаолият ва операцияларни амалга ошириш, микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан молиявий ҳисоботларни тақдим этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Микромолия ташкилотлари томонидан фаолиятни амалга оширишда уларга қўйиладиган талаблар

1-§. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

активлар — кредит, микрокредит, микроқарз (бундан буён матнда кредит деб юритилади), лизинг, факторинг, юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) ва (ёки) қарз қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар, олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизли ва фоизсиз даромадлар, гаровга олинган мулкка эгалик ҳуқуқини қўллаган ҳолда ундириб олинган мулклар, бошқа барча талаблар, балансдан ташқари моддалар (кафолат);

активнинг жами қиймати — активнинг микромолия ташкилоти балансида ва балансдан ташқари моддаларда акс эттирилган асосий қарзи ва унга ҳисобланган фоизлари, пеня, комисион ва бошқа фоизсиз тўловлари қолдигининг улар бўйича яратилган захира айрилмаган миқдори;

муддати ўтган қарздорлик — қарздор томонидан шартномада кўрсатилган муддат ва шартларда бажарилмаган (лозим даражада бажарилмаган) микромолия ташкилоти олдидаги мажбуриятлар;

қарздор — шартномага мувофиқ активлар бўйича микромолия ташкилоти олдида мажбурияти мавжуд бўлган жисмоний ёки юридик шахс.

2. Микромолия ташкилоти фаолияти давомида вужудга келадиган зарарларни қоплаш учун захира фонди яратилиши кўзда тутилиши мумкин ва унинг миқдори микромолия ташкилотининг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади.

2-§. Микромолия ташкилотларининг активлари сифатини таснифлаш

3. Микромолия ташкилотининг активлари мазкур Низомга мувофиқ ўз

вақтида ва тўғри таснифланиши ҳамда уларга активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захираси (бундан буён матнда захира деб юритилади) яратилиши шарт.

4. Микромолия ташкилотининг активлари сифатига кўра «стандарт», «субстандарт», «шубҳали» ва «умидсиз» тоифаларга таснифланади. «Шубҳали» ва «умидсиз» тоифаларга таснифланган активлар муаммоли активлар ҳисобланади.

5. Микромолия ташкилотининг активлари сифати қуйидагича таснифланади, бундан мазкур Низомнинг 6 ва 7-бандларида кўрсатилган активлар мустасно:

асосий қарз ва (ёки) фоизлар бўйича муддати ўтган қарздорлик бўлмаганда ёки уларни қайтариш 30 кундан ошмаган муддатга кечиктирилганда — «стандарт»;

асосий қарз ва (ёки) фоизларни қайтариш 31 кун ва ундан ортиқ, лекин 90 кундан ошмаган муддатга кечиктирилганда — «субстандарт»;

асосий қарз ва (ёки) фоизларни қайтариш 91 кун ва ундан ортиқ, лекин 180 кундан ошмаган муддатга кечиктирилганда — «шубҳали»;

асосий қарз ва (ёки) фоизларни қайтариш 181 кун ва ундан ортиқ муддатга кечиктирилганда — «умидсиз».

6. Юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) ва (ёки) қарз қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар қуйидагича таснифланади:

охирги бир йил давомида микромолия ташкилотига даромад келтирмаган инвестиция — «субстандарт»;

охирги икки йил давомида микромолия ташкилотига даромад келтирмаган инвестиция — «шубҳали»;

охирги уч йил давомида микромолия ташкилотига даромад келтирмаган инвестиция — «умидсиз».

Қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлганда, инвестициялар даромад келтирган ҳисобланади:

микромолия ташкилотига дивиденд ёки фоиз кўринишида даромад келтирилганда;

микромолия ташкилоти томонидан қилинган инвестицияни қайта баҳолаш натижасида ижобий фарқ юзага келганда;

фонд биржасида котировкаси ошганда;

микромолия ташкилоти устав фондига (устав капиталига) инвестиция киритган юридик шахснинг ташқи аудиторлик текширувидан ўтган молиявий ҳисоботига кўра ҳисобот даврини фойда билан яқунлаганда.

Агар микромолия ташкилоти томонидан қилинган инвестицияни қайта баҳолаш натижасида салбий фарқ юзага келса, бундай инвестицияларнинг сифати «умидсиз» деб таснифланиши керак.

7. Гаровга олинган мулкка эгалик ҳуқуқини қўллаган ҳолда қарздордан ундириб олинган мулклар микромолия ташкилоти фаолиятида фойдаланилмаган тақдирда сотилиши лозим. Бунда, мазкур мулк микромолия ташкилоти томонидан балансга қабул қилинган кундан бошлаб олти ой муддатда сотилмаса, умидсиз актив сифатида таснифланади.

8. Микромолия ташкилоти томонидан кафолат бўйича мажбурият тўлаб берилганда, уни таснифлаш мазкур Низомнинг 5-бандида белгиланган тартибда амалга оширилади.

9. Мазкур Низомнинг 5-бандида назарда тутилган активларнинг қуйида келтирилган асосий шартларидан ҳеч бўлмаганда биттаси ўзгартирилган бўлса, улар шартлари қайта кўриб чиқилган активлар деб ҳисобланади:

фоиз ставкасининг пасайтирилиши, бундан шартномада белгиланган ўзгарувчан фоиз ставкаси пасайиши муносабати билан, шунингдек, микромолия ташкилоти ташаббуси билан фоиз ставкасининг пасайтирилиши ҳолатлари мустасно;

асосий қарзнинг камайтирилиши ёки ундан қисман воз кечилиши, активнинг фойдаланилмаган қисми камайтирилиши бундан мустасно;

фоизлар ва (ёки) асосий қарзга доир тўловларнинг бир қисми ёки барчасидан воз кечилиши;

активнинг асосий қисми ва (ёки) фоизларини тўлаш муддати кечиктирилиши ёки узайтирилиши, бундан миждозни молиялаштиришни бошлаш муддати ўзгариши ҳисобига тўлов графигининг ёки тўловлар тўланадиган ой ичида тўлов санасининг ўзгартирилиши мустасно;

таъминот турининг ўзгартирилиши, бундан активнинг бир қисми қайтарилганлиги муносабати билан таъминотдан чиқарилган ҳамда актив суммасининг гаров суммасига нисбати микромолия ташкилотининг ички ҳужжатларида кўрсатилган чегарадан кўп бўлмаган ҳолатлар мустасно;

мазкур банднинг иккинчи-олтинчи хатбошиларида кўрсатилган шартлардан бирини ёки бир нечтасини қўллаган ҳолда қарз олувчининг ўзгартирилиши.

10. Шартлари қайта кўриб чиқилган активлар сифати қуйидагича таснифланади:

асосий қарз ва (ёки) фоизлар бўйича муддати ўтган қарздорлик бўлмаганда ёки уларни қайтариш 30 кундан ошмаган муддатга кечиктирилганда — «субстандарт»;

асосий қарз ва (ёки) фоизларни қайтариш 31 кун ва ундан ортиқ, лекин 90 кундан ошмаган муддатга кечиктирилганда — «шубҳали»;

асосий қарз ва (ёки) фоизларни қайтариш 91 кун ва ундан ортиқ муддатга кечиктирилганда — «умидсиз».

11. Активлар сифатини таснифлаш ва уларни микромолия ташкилоти балансида акс эттириш микромолия ташкилоти ва қарздор ўртасида тузилган шартнома шартларини ўзгартирмайди, шу жумладан шартнома шартларига мувофиқ микромолия ташкилоти томонидан асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизларни, шунингдек шартнома шартларини бажармаганлиги учун жарима ва пеняларни тўлиқ миқдорда қарздордан ундириш ҳуқуқини бекор қилмайди.

12. Алоҳида ҳолларда (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятларда қарздор томонидан микромолия ташкилоти олдидаги мажбуриятни бажариш ёки лозим даражада бажариш имконияти бўлмаганда) активлар сифатини таснифлаш, захира яратиш ва активларнинг шарт-

лари қайта қўриб чиқилмаган деб ҳисобланиши Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) томонидан белгиланиши мумкин.

3-§. Захираларни яратиш ва улардан фойдаланиш

13. Микромолия ташкилоти активининг жами қийматига нисбатан активлар:

«субстандарт» деб таснифланганда йигирма беш фоиз;

«шубҳали» деб таснифланганда эллик фоиз;

«умидсиз» деб таснифланганда юз фоиз миқдорда микромолия ташкилоти харажати ҳисобидан захира шакллантириши лозим.

Сифати «стандарт» деб таснифланган активлар бўйича захира яратиш талаб қилинмайди.

14. Актив сифати «умидсиз» деб таснифланиши билан микромолия ташкилоти уч иш кунида ушбу активни захира эвазига ҳисобдан чиқариши («Кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобварағига ўтказиши) лозим.

«Умидсиз» деб таснифланган активлар ҳисобдан чиқарилиши активларнинг қисман ёки тўлиқ қайтарилиши мумкинлигини инкор этмайди ҳамда улар бўйича тўловлар бекор қилинишини билдирмайди. Мазкур активлар «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобварағига ўтказилган пайтдан бошлаб уч йилдан кам бўлмаган муддат мобайнида ушбу ҳисобварақда акс эттирилиши лозим.

15. Микромолия ташкилоти қарздор мажбуриятининг тўлиқ суммасини тўғри акс эттириш учун мазкур активга фоизлар ҳисоблаб ёзишни уни балансдан ташқари моддаларга ўтказгандан кейин ҳам давом эттиради, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қарздор ва кафилнинг мажбуриятлари бекор бўладиган ҳолатлар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Қонунининг 141-моддасига мувофиқ суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан қарздорнинг барча турдаги қарзлари бўйича неустойка (жарима, пеня) ва фоизларни ҳисоблаш тугатилади.

16. Микромолия ташкилоти захираларни активларни таснифлаш учун мазкур Низомда назарда тутилган асослар вужудга келган санадан бошлаб шакллантириши ва улар бўйича бухгалтерия ўтказмаларини дастурлашган ҳолда амалга ошириши лозим.

Яратилган захира харажатлари Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилиши лозим.

17. Микромолия ташкилотининг ижро этувчи органи захираларнинг доимий равишда етарли эканлигини таъминлаш учун жавобгардир.

18. Мазкур Низом талаблари асосида таснифланган активлар бўйича етарли миқдорда захира яратилмаган ҳолларда Марказий банк захираларни яратиш бўйича қўшимча ажратмаларни амалга оширишни талаб қилишга ҳақли.

19. Микромолия ташкилоти ижро этувчи органи молиявий йил якуни бўйича микромолия ташкилоти иштирокчилари (акциядорлари) умумий йиғилишида сифати «умидсиз» деб таснифланган активларни ундириш бўйича қўлланган чора-тадбирлар ҳақида ҳисобот бериши лозим.

4-§. Актив сифати олдинги таснифланган тоифадан яхшироқ тоифада таснифланиши

20. Қўйидаги ҳолларда актив сифати «стандарт» деб қайта таснифланиши мумкин:

«субстандарт» деб таснифланган активнинг асосий қарзи ва (ёки) фоизлари бўйича муддати ўтган қарздорликлар тўлиқ тўланганда ва активни қайтариш графиги бўйича кейинги тўлов ўз вақтида ва тўлиқ тўланганда;

«шубҳали» деб таснифланган активнинг асосий қарзи ва (ёки) фоизлари бўйича муддати ўтган қарздорликлар тўлиқ тўланганда ва активни қайтариш графиги бўйича кетма-кет 3 та тўлов ўз вақтида ва тўлиқ тўланганда.

21. Активлар сифати уларнинг шартлари қайта кўриб чиқилиши билан дарҳол олдинги таснифланган тоифадан яхшироқ тоифада таснифланиши мумкин эмас.

«Субстандарт» ёки «шубҳали» деб таснифланган активларнинг шартлари қайта кўриб чиқилгандан кейин активни қайтариш графигига асосан камида кетма-кет 3 та тўлов тўлиқ ва ўз вақтида тўланган тақдирда, уларнинг сифати «стандарт» деб таснифланиши мумкин.

Активларнинг шартлари қайта кўриб чиқилгандан кейин улар бўйича асосий қарз ва (ёки) фоизларни қайтариш муддати мазкур Низомнинг 10-бандида кўрсатилган муддатларга кечиктирилган тақдирда, ушбу активларнинг сифатини «стандарт» деб қайта таснифлаш мазкур Низомнинг 20-бандида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

22. Активнинг сифати «умидсиз» деб таснифланганидан, шу жумладан «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобварағида акс эттирилганидан бошлаб қўйидаги ҳолларда актив сифати «субстандарт» деб таснифланиши ва унинг кейинги ҳисобини юритиш учун баланснинг актив ҳисоби юритилувчи тегишли ҳисобварағига ўтказилиши мумкин:

шартнома шартларига мазкур Низомнинг 9-бандида келтирилган ўзгартиришлар киритилмаган ҳолда, активнинг асосий қисми ва (ёки) фоизлари бўйича муддати ўтган қарздорликлар тўлиқ тўланганда;

шартнома шартларига мазкур Низомнинг 9-бандида келтирилган ўзгартиришлар киритилганда, активни қайтариш графигига асосан камида олти ойлик тўловлари ёки активнинг асосий қисмининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдори тўлиқ ва ўз вақтида тўланганда.

23. Мазкур Низомнинг 22-бандига мувофиқ активнинг сифати «субстандарт» деб таснифланган кундан бошлаб активни қайтариш графиги бўйича кетма-кет 3 та тўлов ўз вақтида ва тўлиқ тўланганда актив сифати «стандарт» деб таснифланишига йўл қўйилади.

2-боб. Пруденциал нормативлар

1-§. Умумий қоидалар

24. Микромолия ташкилоти қуйидаги маблағлар ҳисобидан фаолият кўрсатганда пруденциал нормативларга риоя этиши шарт:

корпоратив облигацияларни жойлаштиришдан олинган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳамда давлат жамғармаларининг маблағлари;

ҳалқаро молия институтларининг, чет эл ҳукумат молия ташкилотларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шу жумладан чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг қарз маблағлари;

юридик шахслардан, шу жумладан чет эл юридик шахсларидан олинган қарз маблағлари;

исломий молиялаштиришга мувофиқ бўлган қимматли қоғозларни жойлаштиришдан олинган маблағлар.

Пруденциал нормативларга мазкур бандда кўрсатилган маблағлар жалб этилган ойдан кейинги ҳисобот ойининг биринчи санасидан бошлаб риоя этиш талаб этилади.

25. Мазкур Низомнинг 24-бандида кўрсатилган маблағлар ҳисобидан фаолият кўрсатаётган микромолия ташкилотларига қуйидаги пруденциал нормативлар ўрнатилади:

капиталнинг етарлилик коэффициенти;

ликвидлилик коэффициенти;

бир қарз олувчига ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳига доир таваккалчиликнинг энг кўп миқдори;

микромолия ташкилотига алоқадор бўлган шахслар учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдори;

юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) ва (ёки) қарз қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг энг кўп миқдори.

26. Микромолия ташкилотининг бир қарз олувчи ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи ҳамда микромолия ташкилотига алоқадор бўлган шахслар бўйича таваккалчиликлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

кредит, лизинг, факторинг;

юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) ва (ёки) қарз қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар;

банкларга жойлаштирилган пул маблағлар;

олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизли ва фоизсиз даромадлар;

бошқа барча талаблар;

балансдан ташқари моддалар (кафолат).

Бир қарз олувчи ва ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи ҳамда микромолия ташкилотига алоқадор бўлган шахсларга доир таваккалчиликни ҳисоблашда активнинг жами қийматидан яратилган захира миқдори чегирилади.

2-§. Капиталнинг етарлилик коэффиценти

27. Микромолия ташкилоти капиталининг етарлилик коэффиценти микромолия ташкилоти жами хусусий капиталининг жами активларига нисбати орқали ҳисобланади ва ушбу коэффицент 10 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

28. Микромолия ташкилоти капиталининг етарлилик коэффицентини ҳисоблашда микромолия ташкилоти томонидан юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) қилинган барча инвестициялар жами активлар ҳамда хусусий капиталдан чегирилади.

3-§. Ликвидлилик коэффиценти

29. Микромолия ташкилотининг жорий ликвидлилик коэффиценти 100 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Бунда, жорий ликвидлилик коэффиценти жорий активлар суммасининг (кассадаги нақд пуллар, банклардаги талаб қилиб олингунча маблағлар, тўлов муддати 30 кунгача бўлган активлар, бундан муддати ўтган қарздорлиги мавжуд активлар мустасно) жорий мажбуриятлар (талаб қилиб олингунча ва ижро этиш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар) суммасига нисбати орқали ҳисобланади.

4-§. Бир қарз олувчига ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳига доир таваккалчиликнинг энг кўп миқдори

30. Ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи деганда қуйидаги мезонлардан бирига мос келувчи шахслар тушунилади:

шахс томонидан юридик шахснинг устав фондида (устав капиталида) устунлик қиладиган улушга эгалик қилиш;

иштирокчи (акциядор) бўлган шахснинг шу юридик шахс бошқарув органларининг кўпчилик аъзоларини тайинлаш ёки алмаштириш ҳуқуқи;

шахснинг юридик шахс фаолиятига у билан тузилган шартномага ва (ёки) унинг устави қоидаларига мувофиқ таъсир кўрсатиш имконияти;

қарз олувчи жисмоний шахслар яқин қариндошлар эканлиги.

Яқин қариндошлар деганда қариндош ёки қайин-бўйинчилик муносабабигадаги шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-укалар ҳамда опа-сингиллар, эр-хотин, фарзандлар, шу жумладан фарзандликка олинганлар, боболар, бувилар, неваралар, эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-укалари ҳамда опа-сингиллари тушунилади.

31. Микромолия ташкилотининг бир қарз олувчига ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳига доир таваккалчилигининг энг кўп миқдори микромолия ташкилоти хусусий капиталининг 25 фоиздан ошмаслиги лозим.

32. Микромолия ташкилотининг барча йирик таваккалчиликларининг (жами суммаси хусусий капиталнинг 10 фоизи ва ундан юқори бўлган бир қарз олувчи ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳига доир таваккалчиликлар) умумий миқдори микромолия ташкилоти хусусий капиталининг 5 баробаридан ошмаслиги лозим.

5-§. Микромолия ташкилотига алоқадор бўлган битта шахсга тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг кўп миқдори

33. Микромолия ташкилотига алоқадор бўлган битта шахсга тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг кўп миқдори микромолия ташкилоти хусусий капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги лозим.

34. Микромолия ташкилотига алоқадор бўлган барча шахсларга тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг кўп миқдори микромолия ташкилоти хусусий капиталининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

6-§. Юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) ва (ёки) қарз қимматли қоғозларига инвестицияларнинг энг кўп миқдори

35. Микромолия ташкилотининг бошқа юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) ва (ёки) қарз қимматли қоғозларга (давлат қимматли қоғозлари бундан мустасно) жами инвестицияларининг энг кўп миқдори микромолия ташкилоти хусусий капиталининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

7-§. Бир қарз олувчи, ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи, шу жумладан микромолия ташкилотига алоқадор бўлган шахслар бўйича бошқа талаблар

36. Мазкур Низом кучга кирган санада бир қарз олувчининг ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳининг ҳамда микромолия ташкилотига алоқадор бўлган шахсларнинг микромолия ташкилоти олдида мажбурияти мавжуд бўлиб, мазкур мажбуриятларнинг миқдори ушбу Низомнинг 31 ва 33-бандларида белгиланган меъёрлардан ошиши, бундай мажбурият бўйича тузилган шартнома шартларини ўзгартиришга олиб келмайди.

37. Бир қарз олувчига ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳига ҳамда микромолия ташкилотига алоқадор бўлган шахсларга тўғри келувчи таваккалчиликнинг умумий суммаси шартнома тузиш вақтида мазкур Низомда назарда тутилган чекловлар доирасида бўлиб, кейинчалик белгиланган меъёрлардан ошса (хусусий капитал даражаси тушиши ёки бошқалар сабабли), микромолия ташкилоти мазкур ҳолат ҳақида Марказий банкка ўн кун мобайнида маълум қилиши ва Марказий банк билан келишилган муддатларда, бироқ олти ойдан кўп бўлмаган муддатда таваккалчиликнинг умумий суммасини мазкур Низомнинг 31 ва 33-бандларида белгиланган талабларга мувофиқлаштириш бўйича чоралар кўриши лозим.

38. Қарз олувчи шартнома тузилган даврда микромолия ташкилотига алоқадор ҳисобланмасдан, кейинчалик унга алоқадор шахсга айланса, таваккалчилик миқдорининг мазкур Низомнинг 33 ва 34-бандларида белгиланган талаблардан ошиши пруденциал нормативга номувофиқ деб тан олинмайди, башарти микромолия ташкилоти Марказий банкка ўн кун мобайнида бу ҳақида маълум қилиб, Марказий банк билан келишилган муддатларда, бироқ

олти ойдан кўп бўлмаган муддатда пруденциал нормативга мувофиқлаштиришни ўз зиммасига олган бўлса.

39. Микромолия ташкилоти бир қарз олувчи ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи, шунингдек микромолия ташкилотига алоқадор бўлган шахслар учун таваккалчиликлар ҳисобини юритиши ва бу тўғрисидаги маълумотларни ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасигача ҳар ойда Марказий банкка тақдим этиб бориши лозим.

3-боб. Микромолия ташкилотлари томонидан банкларнинг ва бошқа молия ташкилотларининг агенти вазифаларини амалга ошириш

40. Микромолия ташкилотлари томонидан банкларнинг агенти вазифалари банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка, тўлов агенти (субагенти) вазифалари тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисидаги қонунчиликка, шунингдек суғурта агенти вазифалари суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

41. Микромолия ташкилотларининг банклар, тўлов ва суғурта агенти сифатида агентлик хизматлари мазкур ташкилотлар номидан кўрсатилади. Бунда, агентлик битимлари тузилиши ва улар тузилган кундан эътиборан беш кун ичида мазкур битимлар тўғрисида ахборот Марказий банкка юборилиши лозим.

Агентлик битимининг мавжудлиги тўғрисидаги ахборотлар хизматлар кўрсатилишидан олдин миждозларга ошкор этилиши лозим.

4-боб. Ломбардлар томонидан фаолият ва операцияларни амалга ошириш

1-§. Умумий қоидалар

42. Жисмоний шахслар томонидан шахсий истеъмол учун мўлжалланган кўчар мол-мулкларни (ашёларни) ломбардда гаровга қўйиш, сақлаш, ломбарддан талаб қилиб олинмаган ашёларни сотиш ҳамда ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Гаров тўғрисида»ги Қонуни ва мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади.

43. Ломбард шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта ёхуд миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси, чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш гувоҳномаси ёки ID-картаси, ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси) тақдим этилганида, жисмоний шахслар билан шартномалар тузади.

44. Ломбард, зарур ҳолларда, гаровга ёки вақтинчалик сақлашга топшириладиган мол-мулкка (ашёга) эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни ёки бошқа далилларни талаб қилишга ҳақли.

2-§. Ломбардлар томонидан микроқарзларни расмийлаштириш ва бериш тартиби

45. Гаров асосида микроқарзнинг берилиши ломбард билан жисмоний шахс ўртасида тузиладиган микроқарз шартномаси ва гаров шартномаси асосида амалга оширилади.

Ломбардда мол-мулкларни гаровга қўйиш ҳақидаги шартнома ломбард томонидан мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ шаклдаги гаров паттасини бериш йўли билан расмийлаштирилади.

46. Микроқарз олиш учун ломбардга гаровга топшириладиган мол-мулк томонлар келишувига асосан баҳоланади.

47. Ломбард қўйидагиларни бажариши шарт:

гаров нарсасини хавфсиз сақлаш учун чоралар кўриши;

гаров нарсаси йўқолиши хавф-хатари пайдо бўлганлиги ёки шикаст етказилганлиги тўғрисида гаровга қўювчига дарҳол хабар бериши;

микроқарз шартномасининг шартлари бажарилганида гаров нарсасини мулк эгасига ёки учинчи шахсга белгиланган тартибда расмийлаштирилган мулк эгасининг ишончномаси асосида дарҳол қайтариши;

гаровга қабул қилинган ашёларни гаровга қабул қилиш пайтида шунга ўхшаш ва шундай сифатли ашёларнинг нархларига мос баҳодаги тўлиқ суммасида ўз ҳисобидан гаровга қўювчи фойдасига суғурталаш;

гаровга қўювчининг талабига асосан микроқарз шартномасидан келиб чиққан мажбуриятларнинг гаровга қўювчи ёки учинчи шахс томонидан қисман ёки тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи маълумотнома бериши.

48. Гаровга қўйилган ашёларни сотишдан тушган сумма, агар шартномада бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, микроқарз, у бўйича ҳисобланган фоизлар, неустойка, ижро муддати ўтганлиги натижасида юзага келган зарарларни қоплаш, шунингдек, сақлаш ва суғурта учун тўлов, гаровга олинган мол-мулкни сотиш бўйича харажатларни қоплашга қаратилади. Агар гаровга қўйилган мол-мулкнинг сотилишидан тушган сумма ломбарднинг талаблари миқдоридан ошса, тафовути гаровга қўювчига қайтарилади.

3-§. Ломбардда мол-мулкларни вақтинча сақлаш

49. Ломбардда ашёларни вақтинча сақлаш шартномаси ломбард томонидан юк топширувчига (мижозга) мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклдаги эгасининг номи ёзилган сақлов паттаси бериш йўли билан расмийлаштирилади.

50. Агар мижоз тез алангаланадиган, портлаш хавфи бўлган ёки ўзи табиатан хавфли ашёларни сақлашга топшириш вақтида уларнинг хусусиятлари тўғрисида ломбардни огоҳлантирмаган бўлса, ломбард ашёларни топширган мижозга қўрилган зарарларни қопламаган ҳолда, уларни хоҳлаган вақтда хавфсизлантириши ёки йўқ қилиши мумкин. Ушбу ашёларни сақлаш натижасида ломбардга ва (ёки) учинчи шахсларга етказилган зарарларни қоплаш мижознинг зиммасига юклатилади.

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

51. Ломбардга гаровга ёки сақлаш учун топширилган ашёлар йўқолганда ёки шикастланганда, агар ломбард йўқотиш ёки шикастланиш енгиб бўлмас куч оқибатида юз берганлигини исботлай олмаса, етказилган мулккий зарар ашёлар эгасига томонлар келишувига кўра қоплаб берилади. Томонлар келишувга эришмаганда мулккий зарарни қоплаш суд тартибида амалга оширилади.

5-боб. Молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш ҳамда ички аудит хизматини ташкил этиш

1-§. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Марказий банкка ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш

52. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар тегишлилигига кўра мазкур Низомнинг 53 ва 54-бандларига мувофиқ Марказий банкка қуйидаги молиявий ва назоратга оид ҳисоботларни ҳамда уларнинг электрон маълумотларини тақдим этади:

бухгалтерия баланси (3-илова*);

баланс ҳисоботи (4-илова*);

молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (5-илова*);

капиталдаги ўзгаришлар (6-илова*);

берилган кредитлар ва кўрсатилган лизинг хизматлари тўғрисида маълумот (7-илова*);

кўрсатилган факторинг хизматлари тўғрисида маълумот (8-илова*);

қимматли қоғозлар портфели ва қилинган инвестициялар тўғрисида маълумот (9-илова*);

жалб этилган маблағлар тўғрисида маълумот (10-илова*);

берилган кафолат ва кафилликлар тўғрисида маълумот (11-илова*);

пруденциал нормативларга риоя этиш бўйича маълумот (12-илова*).

53. Микромолия ташкилотлари томонидан мазкур Низомнинг 52-банди иккинчи — ўнинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳисобот ва маълумотлар тақдим этилади. Бунда, ушбу Низомнинг 52-банди тўртинчи, олтинчи — ўнинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳисобот ва маълумотлар молиявий натижалар ёки ушбу хизматлар бўйича қолдиқ мавжуд бўлганда, ўн биринчи хатбошисида кўрсатилган маълумот микромолия ташкилоти мазкур Низомнинг 24-бандида кўрсатилган маблағлар ҳисобидан фаолият кўрсатганда тақдим этилади.

54. Ломбардлар томонидан мазкур Низомнинг 52-банди иккинчи — олтинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳисобот ва маълумотлар тақдим этилади. Бунда, ушбу Низомнинг 52-банди тўртинчи хатбошисида кўрсатилган ҳисобот ломбард молиявий натижаларга эга бўлганда, олтинчи хатбошисида кўрсатилган маълумот хизматлар бўйича қолдиқ мавжуд бўлганда тақдим этилади.

* 3 — 12-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

55. Молиявий ҳисоботлардаги маълумотлар ҳисобот ойининг охирги кунида амалга оширилган амалиётларни ҳисобга олган ҳолда мазкур ҳисобот ойининг охирги санаси ҳолатига кўрсатилиши керак.

56. Молиявий ҳисоботлар микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасигача Марказий банкка тақдим этилади. Агар ойнинг 5-санаси дам олиш ёки байрам кунига тўғри келса, бунда ҳисоботлар дам олиш ёки байрам кунидан кейинги иш кунида тақдим этилиши лозим. Тақдим этилган молиявий ҳисоботларда хато ва камчиликлар аниқланганда, камчиликлар тузатилиб, икки иш кунида қайта тақдим этилиши шарт.

57. Молиявий ҳисоботлар микромолия ташкилотларининг ёки ломбардларнинг ижро этувчи органи раҳбарининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши лозим.

58. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар автоматлаштирилган ахборот тизими орқали молиявий ҳисоботларнинг электрон маълумотларини шакллантириб, Банк тизими маълумотлар омборхонасига (бундан буён матнда БТМО деб юритилади) ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасигача алоқа каналлари орқали юбориши шарт. Агар ойнинг 5-санаси дам олиш ёки байрам кунига тўғри келса, бунда молиявий ҳисоботларнинг электрон маълумотлари дам олиш ёки байрам кунидан кейинги иш кунида тақдим этилиши лозим.

59. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар:

БТМО билан коммуникация алоқаси узилганда;

техник воситаси ва дастурий таъминоти носоз ҳолатда бўлганда;

форс-мажор ҳолатларида молиявий ҳисоботларни Марказий банкка ва уларнинг электрон маълумотларини БТМОга юборишни кечиктириш сабабларини кўрсатган ҳолда тушунтириш хати билан тақдим қилади.

60. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар мазкур Низомнинг 59-бандида кўрсатилган ҳолатлар ҳақида Марказий банкни дарҳол хабардор этиши ҳамда Марказий банк билан келишилган муддатларда уларни бартараф этиб, электрон маълумотларни тўлиқ юбориши керак. Бунда, келишилган муддат ҳолатни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга муносабат бўлиши лозим.

61. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан айрим молиявий операцияларни ўтказиш қонунчиликка мувофиқ маълум муддатга тўхта-тилганидан қатъий назар, улар томонидан молиявий ҳисоботлар ва уларнинг электрон маълумотлари белгиланган муддатларда тақдим этилиши лозим.

2-§. Микромолия ташкилотлари ва ломбардларда ички аудит хизматини ташкил этиш

62. Активларининг баланс қиймати ўн миллиард сўмдан ортиқ бўлган микромолия ташкилотининг кузатув кенгаши (бундан буён матнда кенгаш деб юритилади) ички аудит хизматини ташкил этиши шарт ва унинг самарали фаолият юритишини таъминлаши лозим.

Активларининг баланс қиймати беш миллиард сўмдан ортиқ бўлган ломбардларда ички аудит хизмати ташкил этилиши шарт. Бунда ички аудит хизматини ташкил этишга қўйиладиган талаблар ҳамда унинг ишини ташкил этишнинг методологик асослари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

63. Микромолия ташкилотининг кенгаши мазкур Низом ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ микромолия ташкилотининг ички аудит хизмати (бундан буён матнда — ички аудит хизмати деб юритилади) тўғрисидаги низомни тасдиқлайди.

Ички аудит хизмати тўғрисидаги низом йилига камида бир марта тегишли йилнинг 1 февралигача бўлган муддатда қайта кўриб чиқилиши лозим. Заруратга кўра Ички аудит хизмати тўғрисидаги низомга йил давомида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Агар Ички аудит хизмати тўғрисидаги низомнинг аксарият қисмига (50 фоиздан кам бўлмаган) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётган бўлса, бунда уни янги таҳрирда қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

64. Ички аудит хизмати тўғрисидаги низомда камида қуйидагилар назарда тутилиши лозим:

ички аудит хизмати мақсади, вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

ички аудит хизматининг фаолият йўналишлари;

ички аудит хизматининг мустақиллиги ва холислигини таъминлаш асослари;

ички аудит хизмати раҳбари ва ходимларини лавозимга тайинлаш ва ишдан бўшатиш тартиби, уларнинг ҳуқуқ, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, ҳисобдорлиги;

ички аудит хизмати ходимларига нисбатан қўйиладиган талаблар (мустақиллик, холислик ва беғаразлик, профессионал малака, одоб-ахлоқ қоидалари);

кенгаш, ижро этувчи орган ва таркибий бўлинмалар раҳбарларини ички аудит натижалари юзасидан хабардор қилиш шартлари ва тартиби;

ички аудит хизмати ўз вазифаларини амалга ошириш жараёнида тўсқинлик қилаётган ҳолатлар юзасидан кенгаш ва ижро этувчи органни хабардор қилиш тартиби;

ички аудит хизмати микромолия ташкилотида юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликлар, аниқланган камчилик ва муаммолар ҳамда молиявий операциялар билан боғлиқ масалалар юзасидан, манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармаган ҳолда, маслаҳатлар бериш тартиби.

65. Ички аудит хизмати раҳбари ва ходимлари кенгаш қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

66. Ички аудит хизмати ходимларининг сони ички аудит вазифаларини самарали бажариш учун етарли бўлиши керак.

67. Микромолия ташкилотининг ижро этувчи органи аъзолари, мазкур ташкилотларда фаолият юритаётган ходимлар ва улар билан алоқадор шахслар бир вақтнинг ўзида ички аудит хизматида фаолият юрита олмайди.

68. Ички аудит хизмати ходимлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий маълумотга ёки аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари томонидан берилган ички аудитор малака сертификатига эга бўлишлари;

хорижий давлат таълим муассасасида олий таълим олган тақдирда, олинган олий таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақидаги гувоҳномага эга бўлишлари;

банк иши, микромолиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия ёки солиқ назорати соҳасида (шу жумладан, ўриндошлик асосида) камида икки йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлишлари;

микромолия ташкилотлари фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатлари бўйича етарли билимларга эга бўлишлари, шу жумладан, Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини билишлари;

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботига доир қонунчилик ҳужжатлари ва халқаро стандартлар ҳамда аудитнинг халқаро стандартлари ва уларни амалда қўллаш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлишлари.

69. Ички аудит хизмати ишининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида ички аудиторлик текшируви (бундан буён матнда аудиторлик текшируви деб юритилади) режаси кенгаш томонидан тегишли йилнинг 1 январига қадар тасдиқланиши лозим.

70. Ички аудит хизмати ходимларига, шу жумладан раҳбарига нисбатан ижро этувчи орган ёки бошқа шахслар томонидан ўтказилган ҳар қандай босим ва иш фаолиятига қилинган тўсқинлик тўғрисида кенгаш дарҳол ички аудит хизмати томонидан хабардор қилиниши лозим.

71. Ички аудит хизмати раҳбари ва ходимлари ўзларининг холислиги ва беғаразлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган молиявий ҳужжатларни ёки таваккалчиликларни қабул қилишни кўзда тутувчи ҳужжатларни имзолаш жараёнида иштирок этмасликлари лозим.

72. Холисликни таъминлаш мақсадида ички аудит хизмати ходимлари ички назоратга доир чора-тадбирларни (ички ҳужжатлар, жумладан сиёсатлар, низомлар, қоидалар ва бошқалар) ишлаб чиқиш, уларни жорий этиш ёки амалга ошириш жараёнида иштирок этмасликлари лозим, бундан ички аудитга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда ички аудит хизматининг таваккалчиликларни бошқариш ёки ички назоратга доир фикр ва мулоҳазаларини бериши мустасно.

73. Ички аудит хизмати қуйидагиларни мустақил таҳлил қилиши ва баҳолаши лозим:

микромолия ташкилоти олдига қўйилган мақсадларга эришишда микромолия ташкилоти бизнес жараёнлари, маъмурий ва операцион жараёнларнинг самарадорлигини;

ахборот тизимларининг ишончилигини, тўлиқлигини ва самарадорлигини ҳамда маълумотларнинг долзарблигини, аниқлигини, қулайлигини, шунингдек махфийлик таъминланганлигини;

қонунчилик ҳужжатларига, жумладан Марказий банкнинг пруденциал

талабларига ҳамда микромолия ташкилотининг ички ҳужжатларига риоя этилишини;

Марказий банк, бошқа давлат органлари ва ташқи аудит томонидан аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилганлигини;
активлар бутлигини.

Ички аудит хизмати тўғрисидаги низом билан ички аудит хизматига мазкур бандда назарда тутилган масалалардан ташқари бошқа масалаларни ҳам таҳлил қилиш ва баҳолаш вазифаси юклатилиши мумкин.

74. Ички аудит хизмати ходимлари қўйидаги ҳолатларда жавобгар ҳисобланадилар:

аудиторлик текшируви натижаларини бузиб (ўзгартириб) кўрсатганда;

ўз хизмат вазифаларини бажариш пайтида олинган маълумотлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ банк сирини ташкил этувчи ҳар қандай маълумот махфийлигини таъминламаганда;

ўз хизмат вазифаларини бажариш пайтида олинган маълумотлардан шахсий мақсадларда ёки учинчи шахс манфаатлари йўлида фойдаланганда;

қонунчилик ҳужжатлари ва микромолия ташкилотининг ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажармаганда.

75. Аудиторлик текширувига чиқишдан олдин батафсил аудиторлик текшируви дастури (бундан буён матнда аудиторлик дастури деб юритилади) ишлаб чиқилиши ва белгиланган тартибда ички аудит хизмати раҳбари томонидан тасдиқланиши лозим.

76. Аудиторлик дастури аудиторлик текшируви мақсадларини, текшириш соҳаси ва йўналишларини, батафсил иш режасини, текширувлар графигини, аудит предмети бўлган ҳар бир йўналишни текшириш тартиб-таомиллари тавсифини, аудиторлик текширувларида иштирок этувчи ички аудиторлар рўйхатини ўз ичига олиши керак.

Аудиторлик текширувини амалга ошириш жараёнида аудиторлик дастурига ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Ўзгартиришлар ёзма равишда ҳужжатлаштирилган ва тасдиқланган бўлиши лозим.

77. Аудиторлик текшируви тугатилганидан сўнг аудиторлик ҳисоботи тайёрланиши ҳамда аудит мақсадлари, миқёси, хулосаларни ҳамда ҳар бир аниқланган камчиликни бартараф қилишга доир батафсил тавсияларни ўз ичига олиши лозим. Тавсиялар аниқланган муаммолар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларининг қисқача изоҳини, мавжуд таваккалчиликларни, талаб этиладиган чора-тадбирларни, жумладан, микромолия ташкилотининг ички сиёсатлари ва тартиб-таомилларини кўриб чиқишни ўз ичига олиши лозим.

Ички аудит хизматининг ҳисоботлари ички аудит хизмати ходимларининг мустақил фикр ва мулоҳазаларига асосланиши лозим.

78. Аудиторлик ҳисоботлари бевосита кенгашга тақдим этилиши лозим. Ушбу ҳисоботларнинг нусхалари ижро этувчи органга, шунингдек тегишлилиги бўйича микромолия ташкилотининг алоҳида таркибий бўлинмаларига, филиал раҳбарларига тақдим этилади.

79. Ижро этувчи орган ўтказилган аудиторлик текшируви чоғида аниқлан-

ган камчилик ва қоидабузарликларни бартараф этиш учун зарур бўлган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади.

80. Ички аудит хизмати текшириш жараёнида аниқланган камчилик ва қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ўз вақтида ва тегишли равишда бажарилиши устидан кейинги назоратни ўрнатиши лозим. Текширишдан кейинги назоратни ўтказиш учун жавобгарлик Ички аудит хизмати тўғрисидаги низомда белгиланган бўлиши керак.

81. Кенгаш аудиторлик текшируви натижасида аниқланган камчилик ва қоидабузарликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ижро этувчи орган томонидан амалга оширилишини назорат қилиши зарур.

6-боб. Яқуний қоида

82. Мазкур Низом талабларини бузган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

8 Давлат фуқаролик хизматчиси билан тузиладиган меҳнат шартномасига доир намунавий талабларни тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
13 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3413*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 30-моддасига мувофиқ **буюраман:**

1. Давлат фуқаролик хизматчиси билан тузиладиган меҳнат шартномасига доир намунавий талаблар иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.
3. Мазкур буйруқ 2023 йил 30 апрелдан эътиборан кучга киради.

**Директорнинг
биринчи ўринбосари**

А. ХАСАНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 6 декабрь,
3-2022-сон

Келишилди:

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Н. ХУСАНОВ

2022 йил 6 декабрь

**Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси раиси**

К. РАФИКОВ

2022 йил 29 ноябрь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 13 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини
ривожлантириш агентлиги директорининг
2022 йил 6 декабрдаги 3-2022-сон буйруғига
ИЛОВА

Давлат фуқаролик хизматчиси билан тузиладиган меҳнат шартномасига доир НАМУНАВИЙ ТАЛАБЛАР

Мазкур Намунавий талаблар иш берувчи ҳамда давлат фуқаролик хизматчиси (бундан буён матнда Томонлар деб юритилади) ўртасида тузиладиган меҳнат шартномасига доир талабларни белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Давлат фуқаролик хизматига кираётган шахс билан меҳнат шартномаси меҳнат қонунчилиги асосида ёзма шаклда тузилади.

2. Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг сиёсий гуруҳига кирувчи давлат фуқаролик хизматчилари билан меҳнат шартномаси тузилмайди.

3. Меҳнат шартномасида давлат фуқаролик хизматини ўташнинг асослари ва шартлари, давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги, давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ чекловлар, шунингдек уни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга тааллуқли қоидалар кўрсатилади.

4. Меҳнат шартномаси номуайян муддатга ва уч йилдан кўп бўлмаган муайян муддатга (муддатли меҳнат шартномаси) тузилади.

5. Қўйидагилар меҳнат шартномаси Томонлари ҳисобланади:
иш берувчи — Давлат фуқаролик хизмати татбиқ қилинадиган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари;
ходим — давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллаётган шахс.

2-боб. Меҳнат шартномасининг зарур шартлари

6. Қўйидагилар меҳнат шартномасининг зарур шартлари ҳисобланади:
хизматни ўташ жойи — давлат фуқаролик хизматчиси шартномада шарт қилиб кўрсатилган меҳнат вазифасига кўра давлат фуқаролик хизматини ўтаётган жой;

ишнинг бошланиш санаси — давлат фуқаролик хизматчиси меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган ишни бажаришга киришиши керак бўлган календарь сана;

эгалланаётган давлат фуқаролик хизмати лавозимининг тўлиқ номи;
меҳнат вазифаси — муайян касб, мутахассислик, малака ёхуд лавозим бўйича иш, шунингдек давлат фуқаролик хизматчисига топшириладиган ишнинг аниқ тури;

давлат фуқаролик хизматини ўташнинг асослари;

давлат фуқаролик хизматчиси томонидан давлат фуқаролик хизматини ўташнинг ўзига хос хусусиятлари;

давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ чекловлар;

иш вақти ва дам олиш вақти режими, агар мазкур давлат фуқаролик хизматчиси учун ушбу режим мазкур иш берувчида меҳнат фаолиятини амалга оширадиган ходимлар учун назарда тутилган иш вақтининг ва дам олиш вақтининг умумий режимидан фарқ қиладиган бўлса;

давлат фуқаролик хизматчисининг лавозим йўриқномаси;

давлат фуқаролик хизматчисининг фаолият самарадорлигини баҳолаш;

давлат фуқаролик хизматида лавозим бўйича кўтарилиш;

давлат фуқаролик хизматчисини бошқа давлат фуқаролик хизмати лавозимига ўтказиш, шу жумладан ротация тартибда ўтказиш ва хизмат сафарлари;

давлат фуқаролик хизматчисининг касбий компетенциясини узлуксиз равишда ошириш;

меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари;

давлат фуқаролик хизматчисининг интизомий жавобгарлиги;

давлат фуқаролик хизматчисини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш;

давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятини тугатиш асослари;

давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ низоларни ҳал этиш;

Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари;

давлат фуқаролик хизматчиси билан муддатли меҳнат шартномаси тузилган тақдирда меҳнат шартномасининг муддати, шунингдек муддатли шартномани тузиш учун асослар;

хизматни ўташ жойидаги меҳнат шароитларининг хусусиятлари кўрсатилган ҳолда нормал шароитлардан фарқ қиладиган шароитлардаги иш учун кафолатлар ва компенсациялар, агар давлат фуқаролик хизматчиси мазкур ишга қабул қилинаётган бўлса.

3-боб. Меҳнат шартномасининг қўшимча шартлари

7. Томонларнинг келишувига кўра меҳнат шартномасида қуйидаги қўшимча шартлар назарда тутилиши мумкин:

хизматни ўташ жойини аниқлаштириш (таркибий бўлинма ва унинг жойлашган ери кўрсатилган ҳолда) ва (ёки) хизматни ўташ жойи тўғрисида;

давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш чоғидаги дастлабки синов ҳақида;

давлат сирларини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ошкор қилмаслик ҳақида;

агар ўқитиш иш берувчининг маблағлари ҳисобидан олиб борилган бўлса, давлат фуқаролик хизматчисининг ўқишдан кейин шартномада белгиланган муддатдан кам бўлмаган муддатни ишлаб бериш мажбурияти тўғрисида;

давлат фуқаролик хизматчисини қўшимча суғурта қилиш турлари ва шартлари ҳақида;

давлат фуқаролик хизматчисини ва унинг оила аъзоларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш тўғрисида;

давлат фуқаролик хизматчисининг иш шароитларига нисбатан қўлланадиган унинг ва иш берувчининг давлат фуқаролик хизмати ва меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган ҳуқуқлари ва мажбуриятларини аниқлаштириш ҳақида;

доимий ёки вақтинча асосда масофадан туриб ишлаш, мослашувчан иш вақти режимида, вақтбай ёки ишбай тизимда ишлаш;

охирги таътил берилган кундан эътиборан календарь йил давомида узлуксиз ёки жамланган ҳолда уч ойдан ошмайдиган ва иш ҳақи сақланмайдиган таътиллار берилиши.

4-боб. Меҳнат шартномасини расмийлаштириш

8. Меҳнат шартномаси бир хил кучга эга бўлган камида икки нусхада ёзма шаклда тузилади.

Ёзма меҳнат шартномаси Тарафлар томонидан имзоланади.

Ёзма меҳнат шартномасининг ҳар бир нусхаси давлат фуқаролик хизматига кирувчи шахснинг ва давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзолари қўйилган ҳолда ташкилот муҳри билан тасдиқланади.

9. Меҳнат шартномасининг бир нусхаси давлат фуқаролик хизматчисига берилади, бошқаси (бошқалари) иш берувчида сақланади.

Бунда, меҳнат шартномасининг нусхаси давлат фуқаролик хизматчисига унинг олганлиги тўғрисидаги имзосини қўйдирган ҳолда тақдим этилади.

10. Меҳнат шартномаси давлат тилида тузилади.

11. Давлат фуқаролик хизматига кирувчи шахс билан тузилган меҳнат шартномаси давлат фуқаролик хизмати лавозимига тайинлаш тўғрисида буйруқ чиқариш учун асос ҳисобланади.

5-боб. Меҳнат шартномаси шартларининг ҳақиқий эмаслиги

12. Меҳнат шартномасининг мазмунига:

давлат фуқаролик хизматчисининг ҳолатини давлат фуқаролик хизмати ва меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка нисбатан ёмонлаштирадиган;

меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни тақиқлаш тўғрисидаги талабларни бузадиган;

мажбурий меҳнатни тақиқлаш ҳақидаги талабларни бузадиган;

давлат фуқаролик хизматчисини қонунга хилоф ҳаракатларни ёки ҳам давлат фуқаролик хизматчисининг, ҳам бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузадиган, ҳаёти ва соғлиғига таҳдид соладиган, шаънига, қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказадиган ҳаракатларни амалга оширишга мажбурлайдиган шартлар киритилмаслиги керак, агар улар киритилган бўлса, ҳақиқий бўлмайди.

13. Меҳнат шартномаси айрим шартларининг ҳақиқий эмаслиги меҳнат шартномасининг умуман ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

9 Ўзбекистон Республикасининг почта индексларини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
13 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3414*

Ўзбекистон Республикасининг «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикасининг почта индекслари иловага** мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан келишилган.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2022 йил 26 декабрь,
238-мх-сон

Ш. ШЕРМАТОВ

Келишилди:

**Кадастр
агентлиги директори**

2022 йил 19 декабрь

Ф. ПУЛАТОВ

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 13 январда эълон қилинган.

** Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

10 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 13 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3415

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Нобанк кредит ташкилотлари ва микроолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 30 декабрь,
30/24-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 13 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2022 йил
30 декабрдаги 30/24-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/11-сон «Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микромолия ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан малака талабларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2989, 2018 йил 30 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.03.2018 й., 10/18/2989/0968-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 23 февралдаги 4/1-сон «Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан малака талабларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2989-1, 2019 йил 11 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.03.2019 й., 10/19/2989-1/2734-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 8 июлдаги 14/8-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3377, 2022 йил 1 август) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.08.2022 й., 10/22/3377/0696-сон) иловасининг 1-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

11 Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
13 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2020-5*

Ўзбекистон Республикасининг «Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги 402-сон «Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақидаги» қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 10-сон ва 39-сон қарори (рўйхат рақами 2020, 2009 йил 19 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 43-сон, 461-модда) билан тасдиқланган Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва Ўзбекистон Нотариал палатаси билан келишилган.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Адлия вазири

А. ТАШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 12 январь,
1-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 16 январда эълон қилинган.

**Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти****Д. РАХИМОВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 7 январь,
1-сон

*Келишилди:***Адвокатлар
палатаси раиси****А. ЭРНАЗАРОВ***2022 йил 30 декабрь***Нотариал
палата раиси****Д. АШУРОВ***2022 йил 30 декабрь*

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигининг 2023 йил 12 январдаги
1-сон ва Бош прокуратура ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш де-
партаментининг 2023 йил 7 январдаги
1-сон қарорига
ИЛОВА

**Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий
фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга,
терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини
тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича
ички назорат қоидаларига киритилаётган қўшимча ва
ўзгартиришлар**

1. 1-банд қуйидаги мазмундаги йигирманчи хатбоши билан тўлдирилсин:
«**учинчи томон** — Ўзбекистон Республикаси «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасида кўрсатилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар.».

2. 13-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Худудий адлия органи ходими ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахсларнинг тақдим этган ҳисоботлари бўйича таҳлил натижалари тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлайди ва бир йилда бир марта Адлия вазирлигига тақдим этади.».

3. Қуйидаги мазмундаги 16³-банд билан тўлдирилсин:

«16³. Нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари мазкур Қоидаларнинг 16²-банди иккинчи — тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган миждозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширган учинчи томонларнинг текшириш натижаларига таянишлари мумкин.

Мазкур ҳолларда миждозларни лозим даражада текшириш натижалари бўйича сўнги жавобгарлик нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмаларининг зиммасида қолади. Бунда нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари:

миждозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш маълумотлари ва бошқа тегишли ҳужжатлар нусхаларини сўров асосида дарҳол олиш имкониятига эга бўлишига;

учинчи томон мазкур Қоидалар асосида ишлашига ишонч ҳосил қилиши керак.

Мазкур банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган талабларидан бирига риоя қилинмаган тақдирда, нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари миждозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни мустақил равишда амалга оширишлари керак.».

4. Қуйидаги мазмундаги 17¹-банд билан тўлдирилсин:

«17¹. Агар, мавжуд миждознинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга алоқаси борлиги ҳақида асослан-тирилган шубҳалар мавжуд бўлганида ва унга нисбатан миждозларни лозим даражада текшириш бўйича чоралар амалга ошираётганлиги ошкор бўлиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда бундай текшириш бўйича чоралар амалга оширмасдан махсус ваколатли давлат органга бир иш кундан кечиктирмай шубҳали операция ҳақида хабар юборилишига йўл қўйилади.».

5. 21-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Нотариал идора ёки адвокатлик тузилмаси миждоз томонидан тақдим этилаётган ахборотни:

давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлардан миждоз ҳақида олинган маълумотлардан фойдаланиш;

миждознинг аввалги нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари билан ўзаро муносабатларини ўрганиш;

миждознинг ишчанлик обрўси тўғрисидаги ахборотни тўплаш орқали текшириш;

бошқа эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот манбалари орқали текширишга ҳақлидир.».

6. Қуйидаги мазмундаги 21¹-банд билан тўлдирилсин:

«21¹. Миждозларни лозим даражада текшириш натижасида олинган маълумотлар аҳамияти ва таваккалчиликлардан келиб чиққан ҳолда ҳамда миждоз маълумотларида ўзгаришлар бўлганда, йилига камида бир маротаба янгиланиши лозим.».

7. 26-бандда:

еттинчи хатбоши «давлат органига шубҳали операция тўғрисида» деган сўзлардан кейин «уч соат ичида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

саккизинчи хатбошидаги «(рўйхат рақами 2833, 2016 йил 11 октябрь)» деган сўзлар «(рўйхат рақами 3327, 2021 йил 19 октябрь)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 31-банддаги «иловасида» деган сўз «1-иловасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 32-банд «шу жумладан иш ёзишмаларини» деган сўзлардан кейин «, хар қандай таҳлил натижаларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

10. Илова белгисидаги «ИЛОВА» деган сўз «1-ИЛОВА» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. Мазкур қўшимча ва ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда 2-илова билан тўлдирилсин.

Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролли тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришларга
ИЛОВА

«Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролли тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига
2-ИЛОВА

**Мижоз — юридик шахсни ва унинг бенефициар мулкдорини идентификациялашда зарур бўлган
МАЪЛУМОТ**

1. Тўлик, шунингдек агар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган бўлса, қисқартирилган номи.

2. Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот: сана, рақам, рўйхатга олувчи орган номи.

3. Солиқ тўловчининг идентификация рақами.

4. Жойлашган жойи (почта манзили).

5. Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган бошқа маълумотлар.

6. Мавжуд бўлган лицензиялар ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар (берилган санаси ва тартиб рақами, ким томонидан берилганлиги, амал қилиш муддати) ёхуд хабарнома қабул қилинганлиги тўғрисидаги тас-

диқнома (берилган санаси ва тартиб рақами, ким томонидан берилганлиги) ҳақидаги маълумотлар.

7. Мижоз номидан иш кўрувчи жисмоний шахснинг идентификацияси тўғрисидаги маълумотлар.

8. Мижознинг таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари) ҳақидаги ҳамда уларнинг устав фонди (капитали)даги улушлари тўғрисидаги маълумотлар.

9. Рўйхатга олинган ва тўланган устав фонди (капитали) миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

10. Мижознинг бошқарув органлари (юримдик шахснинг бошқарув органларининг тузилмаси ва шахсий таркиби) тўғрисидаги маълумотлар.

11. Боғланиш маълумотлари (телефон рақами, электрон почта, веб-сайт (агар мавжуд бўлса)).».

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 27 декабрдаги 70-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 11 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3124-5.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 6 декабрдаги 28/3-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2023 йил 11 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3411.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 6 декабрдаги 28/2-сон «Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2023 йил 11 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3412.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг 2022 йил 6 декабрдаги 3-2022-сон «Давлат фуқаролик хизматчиси билан тузиладиган меҳнат шартномасига доир намунавий талабларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2023 йил 13 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3413.

5. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2022 йил 26 декабрдаги 238-мх-сон «Ўзбекистон Республикасининг почта индексларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2023 йил 13 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3414.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 30 декабрдаги 30/24-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2023 йил 13 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3415.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2023 йил 12 ян-

вардаги 1-сон ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2023 йил 7 январдаги 1-сон «Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2023 йил 13 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2020-5.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2012 йил 23 июндаги 19/4-сон «Микрокредит ташкилотларида аудит текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2379, 2012 йил 17 июль), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2379-1, 2013 йил 24 июнь), (рўйхат рақами 2379-2, 2016 йил 18 февраль), (рўйхат рақами 2379-3, 2018 йил 5 декабрь), (рўйхат рақами 2379-4, 2020 йил 20 март).

2023 йил 11 январда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2013 йил 16 мартдаги 6/2-сон «Марказий банк томонидан микрокредит ташкилотларининг ички аудит хизматига қўйиладиган талаблар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2453, 2013 йил 25 апрель), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2453-1, 2020 йил 10 июнь).

2023 йил 11 январда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/6-сон «Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2994, 2018 йил 5 апрель), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2994-1, 2019 йил 11 март), (рўйхат рақами 2994-2, 2020 йил 26 октябрь).

2023 йил 11 январда давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 2 апрелдаги 5/10-сон «Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3300, 2021 йил 7 май).

2023 йил 11 январда давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/11-сон «Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микромолия ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан малака талабларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами

2989, 2018 йил 30 март), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 2989-1, 2019 йил 11 март).

2023 йил 13 январда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

